# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz ● www. adolat.uz ● №17 (822) ● 2011 йил, 15 апрель, жума

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — ДАРОМАД МАНБАИ

Мен Ўзбекистон "Адолат" СДП дастури билан танишиб чиққанимда қарашларим партия мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг эканлигини англадим, — деди Вадим Меньков. — Чунки спорт соҳасида ҳам адолат тамойиллари устувор бўлгандагина ҳақиқий чемпионлар кашф этилади. Қолаверса, бугун юртимизда сиёсий соҳада улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

3-бет

ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ, ХИРМОНДА ҲОЗИР...

...гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўз шахсий манфаатини эл-юрт манфаатидан устун қўйиб, йил бўйи пешона тери тўкиб, ёмғиру дўлларда, саратоннинг жазирамаси демай умри далада — ҳалол меҳнатда ўтган бободеҳқоннинг йиллик меҳнатлари натижасини ерга уриб, арзон-гаровга сотиб олиб, сўнгра харидорларга қиммат нархларда пуллашга уринаётган сохта «тадбиркорлар» ҳам бор-ки, бу ўз навбатида бозорда нархнавонинг сунъий равишда ошишига сабаб бўлмоқда.

6-бет

ТАДБИРКОРЛИК — ТАКОМИЛЛИК ТАЛАБИ

"Тадбиркорлик дегани пулни пулга чақиб, уни кўпайтиришдангина иборат юмуш эмас. У кишининг такомилга етишувига ҳам хизмат қилади. Бинобарин сен мана шундай саволлар исканжасида қолиб, уларга жавоб излаётган экансан, демак маърифатга яқинлашяпсан. Ҳар бир ота-онанинг тилагидаги иш бу, шу орзумизнинг амалга ошиши йўлида сиёсат юритаётган ҳукуматимизга раҳмат!" деб мамнун бўлдилар отам.

7-бет

# Ҳамкорлик янги марраларга чорлайди

**Парламентда**

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.



Истиқлолимизнинг 20 йиллиги олдидан ўтган йиллар давомида эришилган ютуқларимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, бу даврда мамлакатимиз тарихида асрга татигулик ислоҳотлар амалга оширилди. Биргина бугунги кунда соғлом авлодни тарбиялашда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамиятининг демократик институтлари бўлган жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг роли ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан «Соғлом авлодни тарбиялашда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг спорт федерациялари билан ҳамкорлиги» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда батафсил сўз юритилди. Партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда «Ёш адолатчилар» қаноти Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда партиянинг фракция аъзолари, партия фаоллари, Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси раҳбарлари ва спортчилари, олий ўқув юртлари талабалари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқувчилари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун уларни оммавий спортга жалб этиш, жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун кенг имкониятларни яратиш борасида фахрланса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Маҳоратли спортчилар ва спорт мураббийларини тарбиялаш бўйича изчил тизим йўлга қўйилгани натижасида йилдан-йилга нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, Ватанимиз обрўйи ва шону-шуҳратини юксакларга кўтараётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Тадбирда дастлаб мамлакатимизнинг турли ҳудудларида спортнинг белбоғли кураш тури билан шуғулланиб келаётган халқаро тоифадаги спорт усталари, хизмат кўрсатган спорт устозлари, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари, спорт усталигига номзодлар, Жаҳон чемпионлари, Осиё чемпионлари, Ўзбекистон чемпионлари ҳамда халқаро турнирларда ғолибликни қўлга киритган бир гуруҳ спортчилар «Адолат» СДП аъзолигига қабул қилинди. Уларга қуйи палата Спикери ўринбосари, фракция раиси Исмоил Саифназаров партиянинг аъзолик билетларини тантанали равишда топширди. Шунингдек, чемпион спортчиларнинг яна бир гуруҳи партия фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Абдукамол Раҳмонов "Миллий қонунчилигимизда спортнинг ифодаси" мавзуида маъруза қилди. Таъкидланганидек, «Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида»ги Қонун ва ўтган йиллар мобайнида Президентимиз томонидан қабул қилинган спортнинг турли соҳаларини ривожлантиришга оид 8 та Қарор мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Мустақиллик йилларида қуриб фойдаланишга топширилган минглаб спорт иншоотлари энг замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу иншоотларнинг 70 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда бунёд этилди.

— Республикамизда, айниқса, болалар спортига жуда катта эътибор қаратилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, партия фракцияси аъзоси Қодир Жўраев.

Давоми 2-бетда »

# Миллий парламентаризмни ривожлантириш масалалари

**Депутат минбари**

**Иномжон САМИЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



Маълумки, мамлакатимизда икки палатали парламентга ўтиш ғояси илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида баён қилинган эди. Бундан кўзланган асосий мақсад — бир томондан қонун ижодкорлиги жараёнини профессионал йўлга қўйиш орқали парламент ролини кучайтириш бўлса, бошқа томондан — бевосита қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш зарурлиги бўлганди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда парламентни ислоҳ қилишдан олдин, мамлакатимиз сиёсий тизимининг ривожланиши чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинди. Натижада икки палатали парламентнинг ташкил этилиши — янги давр талаблари ҳамда Ўзбекистоннинг XXI аср бошларида белгиланган мақсад ва вазифаларига тўлиқ мослигини кўрсатди.

Шу ўринда икки палатали парламентни шакллантириш — мамлакатимиз мустақил ривожланишининг мураккаб ўтиш босқичи муваффақиятли якунланиб, фаол демократик ислоҳотларни амалга оширишга киришган бир пайтда ташкил этилганлиги билан ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Юқорида қайд этилган масалалар 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган референдумнинг ижобий якунлари демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий принципларини белгилаб берди ва бу Ўзбекистон Республикасининг "Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонунда ўзининг аниқ ифодасини топди.

Бу даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки платали парламентга айлантирилди. Бу борадаги асосий вазифа қуйи палата — Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, юқори палата — Сенатни ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди. Шу тариқа қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатини сақлаш бўйича самарали тизим яратилди. Бу ўз навбатида умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанатини таъминлашга ҳамда аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайишига имкон яратди.

Жамиятни ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилишнинг кейинги босқичида Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунининг қабул қилиниши, шубҳасиз, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади.

Давоми 4-бетда »

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг иккинчи устувор йўналиши — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ҳақида тўхталиб, «демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда» дея таъкидладилар.

# Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш —

## демократик тараққиётнинг муҳим шарти

**Муносабат**

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
ТДЮИ ўқитувчиси.

Дарҳақиқат, суд — ҳокимиятнинг шунчаки тармоқларидан бири бўлиб қолмай, балки, у ҳар қайси жамиятни демократик тараққиёт сари етаклашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини одил судлов асосида ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, бугун суд ҳокимияти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини модернизация қилиш ва ислоҳ этишнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқи ва қонун устунлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилди.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи навбатдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди. Бу босқичнинг ажралмас қисми Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўлди.

Давоми 3-бетда »

# Бундай юртда яшаш —

## ўзи бир бахт, ўзи бир давлат..!

**Шукроналик**

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
«Adolat» мухбири.

Инсон учун ҳаётда ҳалол меҳнат қилиш, эл-юрт ардоғида бўлишдан ҳам каттароқ бахт бўлмаса керак. Андижон вилояти, Асака туманининг Чўнтак маҳалласида умргузаронлик қилаётган Одилжон Отахонов ана шу ақидага амал қилиб яшаётган инсонлардан бири.

— Биз кекса авлод не-не оғир кунларни бошдан ўтказмадик, — дейди отахон. — Айниқса, шўролар даврининг адолатсиз сиёсати туфайли зиёли, маърифатли одамлар, шу жумладан, менинг отам ҳам қатағонга учраган. Болалик пайтимиздаёқ оиламиз билан оғир изтиробларга дучор бўлдик. Минг шукрки, бугунги дориломон кунларга етиб келдик. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақил бўлди, елкамизга офтоб тегиб, қадрқимматимиз юксалди. Мана 74 ёшни қарши олаётганимга қарамай, тадбиркорлик билан шуғулланаяпман, фарзандларимга ҳам бу борада йўл кўрсатаяпман. Номи тилларга тушган «Чўнтак» чойхонасини кенгайтириш, эл-юрт хизматига камарбаста бўлиш имкониятига эга бўлдим.

Маҳалламиздаги 20 нафарга яқин ёшларни иш билан таъминладим. Юртбошимиз ғамхўрлиги ва ташаббуслари билан тадбиркорларга кенг йўл очилгани айни муддао бўлди. Хуллас, озод ва обод юртимиз кундан-кунга чирой очиб бораётганини кўриб кўзим қувнайди. Мамлакатимиз осуда, тинч ва барқарор эканлигига шукроналар айтаман. Бундай юртда яшашнинг ўзи бир бахт, ўзи бир давлат..!

Одилжон ота келтираётган шукроналикка изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.



# Инсон саломатлиги — соғлом жамият кафолати

Мирзаобод тумани ҳокимлигида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамкорлигида «Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият кафолати» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, «Маҳалла» жамғармаси ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

**Тадбир**

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз ўз танлаган тараққиёт йўлидан изчил боришида, аввало, фуқароларнинг, айниқса, аёлларнинг саломатлиги ўта муҳим саналади. Истиқлолга эришилган кундан бошлаб, Ватанимиз тинчлиги, гуллабяшнаши ва халқимиз фаровонлиги йўлида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгиланишлар, бунёдкорлик стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида аниқ йўналишлар белгиланди.

Бу борада Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси, болаликдан ногирон туғилишнинг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлашга қаратилган Давлат дастури, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказишдаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган Президент қарорлари ижроси ўз самарасини бермоқда.

Ўтган вақт мобайнида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида жадал ислоҳотлар ўтказилди. Бунинг самараси ўлароқ, соғ-



лиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар туфайли оналар ўлими икки баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса уч баробар қамайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етгани юртимизда соғлиқни сақлаш борасида муайян тажриба орттирилганидан далолатдир.

— Ишлаб чиқарилаётган қонун ҳужжатлари сони билан эмас, балки ундан амалда қўлланилиши, халқимизга нафи тегиши билан баҳоланади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Зуҳра Ботирова. — Репродуктив саломатлик тушунчасини кенг маънода тушуниш керак. Бу инсоннинг ҳам жисман, ҳам руҳан саломатлигидир. Шуларни чуқур англаб етган инсонларгина ўз саломатлигига бефарқ бўлмайди. Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши, аёлларимизнинг тиббий ҳуқуқларини тушуниб етишларига, шу йўл билан қонунларнинг доимий ҳаракати таъминланишига хизмат қилади.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчил ислоҳотлар олиб борилгани, айниқса, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш каби масалаларга устувор вазифалар сифатида қаралгани алоҳида эътироф этилди. Қайд этилдики, кенг кўламли амалий тадбирлар самараси ўлароқ, бугунги кунда тизимда, хусусан, қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошди.

— Соғлом инсонгина барча ишларга қодир бўлади, — деди тадбир иштирокчиси Оқсулув Холбўтаева. — Бу йил фаолиятимни Ўзбекистон «Адолат» СДП билан боғладим. Партиянинг сайловолди дастури ва белгилаб олган вазифалари билан танишиб чиқар эканман, бу айнан мен танлаган йўл эканлигига амин бўлдим. Ҳаммамиз учун муҳим бўлган инсон саломатлигига партия томонидан бирламчи масала сифатида қаралаётгани, ўйлайманки, энг олижаноб йўлдан бораётганлигини англаш мумкин. Мана шундай фойдали ва мазмунли тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши партия сафи янада кенгайиб, халқ ишончини оқлашга олиб келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, тиббиёт соҳасидаги ўзгариш ва янгиланишлар, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилади. Шу боис, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаолиятида аҳолининг кенг қатламлари учун тиббий хизмат сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларда фаол иштирок этиш масалаларини илгари суриб келмоқда. Зеро, бу партия сайловолди дастуридан алоҳида ўрин олган.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг янги аъзоларига партиянинг аъзолик билетлари топширилди.



# Ҳамкорлик янги марраларга чорлайди

« Давоми. Боши 1-бетда

— Бу бежиз эмас, албатта. Биз ўзбек спортининг халқаро майдонда ҳар томонлама муносиб ўрин эгаллашига интилар эканмиз, болалар спортини, ўсмирлар спортини тизимли асосда изчил ривожлантирмасдан туриб, бу мақсадга эриша олмаймиз. Бир сўз билан айтганда, болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдевори ҳисобланади. Бироқ менинг фикримча, болалар спортини ривожлантириш орқали бундан-да улуғроқ, бундан-да залворлироқ мақсад кўзланмоқда. Бу мақсад — баркамол авлодни тарбиялаш орзусидир. Баркамол авлодни шакллантиришнинг зарурий шарти сифатида фарзандларимизни болалигиданоқ спортга кенг жалб қилиш лозимлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида жорий йилнинг 25 февраль куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам алоҳида сўз борди. Мазкур йиғилишда мамлакатимиз раҳбари томонидан болалар спортини ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг халқаро спорт оламидаги нуфузини ошириш билан бирга, вояга етаётган болаларимизни ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айлантириш, қолаверса, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан жой олишига эришиш вазифаси қўйилди.

Шу ўринда айрим маълумотларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. 2003-2010 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1199 та болалар спорти объекти умумий қиймати 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермай қолгани йўқ, албатта. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Президентимиз бундай натижалар билан кифояланмасдан, ўз олдимизга янада улкан мақсадлар қўйишимиз, яъни тараққий топган давлатлар даражасига етиш бўйича мунтазам иш олиб боришимиз лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, мамлакатимизда, айниқса, қизлар спортига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Қизлар бу миллатимизнинг келажаги ҳисобланади, зеро, спорт билан шуғулланган қиз бола эртага она бўлади, соғлом зурриётни дунёга келтиради. Айни пайтда ўз фарзандига спортга меҳр туйғусини сингдиради. Юртимиз қизлари қанчалик соғлом бўлса, миллатимиз шунчалик соғломон, келажагимиз эса барқарор бўлади.

— Мазкур тадбир Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас, — деди федерация президенти Равшан Дастиров. — Беш минг йилдан кўпроқ тарихга эга белбоғли кураш халқимиз миллий қадриятларининг ажралмас қисми, ҳаққоний ўзбекона урф-одатларни ўзида мужассам этган. Спортнинг ушбу тури мустақиллигимиз туфайли янада ривож топди. Энг асосийси, у миллий спорт ўйини сифатида жойларда кенг оммалашган спорт турлари қаторида мавкеи мустаҳкамланиб бормоқда ҳамда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари дастуридан ўрин олди. Бугунги кунда 50 мингга яқин ёшларимиз белбоғли кураш билан шуғулланиб келмоқда. Белбоғли кураш бўйича Жаҳон, Осиё ва қитъалараро чемпионатлар ўтказиб келинмоқда. Халқаро мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, кўплаб олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида ҳам совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси Белбоғли кураш Халқаро Ассоциациясининг расмий аъзоси саналади. Миллий спорт туримиз бўлган Белбоғли курашни сақлаб қолиш ва халқаро майдонда янада ривожлантириш мақсадида 2006 йилда Белбоғли кураш Халқаро Федерацияси тузилиб, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан расмий рўйхатга олинган эди. Бугун олдимизда турган вазифаларимиздан бири ёшларимизни сафимизга янада кенгроқ жалб этиш ҳамда ушбу спорт турини Осиё ва Олимпия ўйинлари Дастурига киритишдан иборат.

— «Адолат» социал-демократик партияси аъзолигига қабул қилинганлигим менга катта ғурур бағишламоқда, — деди Ўзбекистон Белбоғли кураш Федерацияси вице-президенти Аъзамжон Шокиров. — федерациямиз билан «Адолат» СДП ўртасида ҳамкорлик ўрнатилганлигида ҳам ўзига хос маъно мавжуд. Бу партия жамиятда адолат тамойилини илгари сурса, белбоғли кураш ҳам фақат ва фақат адолатли кураш ҳамда ҳалолликка таянади.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, партия фракцияси аъзоси Қодир Жўраев Ўзбекистон Белбоғли кураш федерациясининг Фахрий Президенти этиб тайинланганлиги эълон қилинди. Давра суҳбатида сўзга чиққан спортчилар «Адолат» социал-демократик партияси ғояларини жойларда сафдошлари ва тенгдошлари орасида тарғиб этишларини таъкидлашди. Тадбир сўнггида партия ва федерация ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

# Тараққиётнинг муҳим дастури

**Давра суҳбати**

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти
матбуот хизмати.

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва маҳаллаларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон “Адолат” СДП Балиқчи тумани кенгаши томонидан тумандаги Олимбек қишлоғида ўтказилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказилган мазкур тадбирда маҳаллий ҳокимият вакиллари, “Адолат” СДПдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари, ташкилот ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди Халқ депутатлари Балиқчи тумани кенгаши депутати Т.Аҳмаджонов. — Бу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда юз бераётган демократик ислоҳотлар аҳоли фаровонлигини юксалтираётганлигига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Масалан, ахборот соҳаси ислоҳ этилиб, сўз эркинлиги таъминланди, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди, бозор ислоҳотлари изчил давом эттирилмоқда.

Таъкидланганидек, аммо ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Сиёсий партияларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ролини янада кучайтириш, ҳар бир партия фаолининг масъулиятини ошириш, фуқароларимизни ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, ёшларнинг сиёсийҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали фуқаролик позициясини шакллантириш шулар жумласидандир.

Тадбирда ушбу Концепция моҳиятини аҳоли орасида янада кенгроқ тарғиб этиш, уларнинг ислоҳотлардаги иштирокини кенгайтириш масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Давра суҳбати иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

# Хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ

**Ўз-ўзини танқид**

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилояти
матбуот хизмати.

Юртимизда кечаётган демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий саводхонлигини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишда барча сиёсий партиялар сингари “Адолат” СДПнинг ҳам ўрни катта. Бугун ҳаётнинг ўзи фаоллардан амалга оширилаётган чуқур ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда янгича ишлашни, фикрлашни тақозо этмоқда. Ана шулардан келиб чиқиб, партия фаоллари ўз фаолиятларини янада кучайтириш, яхшилаш учун бор имкониятлардан фойдаланишяпти. Зеро, олинган сабоқ, яъни ўтган сайловларнинг натижалари ҳам ана шундай фаолликни ҳаётий заруратга айлантирмоқда. Хўш, шундай шароитда Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилояти, Кенгаши ўз фаолиятини қай даражада ташкил этаяпти?

Таъкидлаш жоизки, вилоят партия Кенгаши ўтган даврда муайян ишларни амалга оширди. Айни шу кезларда фаоллар гуруҳларга бўлинган ҳолда давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишмоқда. Биргина ўтган икки ой мобайнида 40 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Партия электорати, фуқаролар ўртасида уюштирилган учрашув, давра суҳбатлари ҳамда семинарларда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, давлат қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил этилиб, Концепцияда илгари сурилган ғоялар “Адолат” СДПнинг сайловолди Дастурида белгиланган устувор вазифаларга ҳамоҳанглиги уқтирилаяпти.

Вилоят партия Кенгаши томонидан партиявий-ташкилий ва тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилгани боис, сафлар кенгайиб, партия аъзолари сони 6460 нафарга етди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 215 тадан ошди. Воҳада партиядан сайланган 3 нафар депутат Халқ депутатлари вилоят Кенгашида, 26 нафар депутат эса туман Кенгашларида фаолият олиб боришмоқда. Шу билан бирга, партиянинг “Ёшлар қаноти” аъзолари “Камолот” ЁИҲ вилоят бўлими билан биргаликда 200 нафардан зиёд ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришда ташаббус кўрсатишди. Ва яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоят партия Кенгаши томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилиб, 13 та нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

— Фуқаролардан турли мазмундаги ариза ва шикоятлар келиб туради, — дейди Китоб тумани партия кенгаши раиси Хосият Жабборова. — Кенгаш аъзолари эса ана шу шикоятларни эътиборсиз қолдирмасликка, уларни имкон қадар ўрганиб, таҳлиллар асосида туманимиз аҳолиси ҳаёти учун долзарб муаммоларни аниқлаб, ечим топишга интилмоқда. Бунда бизга маҳаллий кенгашларимиздаги депутатлик гуруҳларининг кўмаги қўл келаётир. Ҳозиргача аҳоли ва сайловчиларни қийнаб келаётган айрим муаммолар юзасидан 16 та депутатлик сўрови билан тегишли ташкилот ва муассасаларга мурожаат қилинди. Булар асосан, коммунал хизматдаги нуқсонлар, тадбиркор фаолиятига халал бераётган тўсиқлардан иборат. Фаолларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан фуқароларимизнинг барча муаммоли масалалари ижобий ҳал этилмоқда.

Дарҳақиқат, ўз сайловолди дастурида «коммунал хизматлар соҳасига инновацион технологияларни жорий этиш ва хусусий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш, уй-жой коммунал соҳасига йўналтириладиган маблағларнинг самарали ва оқилона сарфланиши устидан депутатлар ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш»ни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган партиянинг Қашқадарё вилояти Кенгаши ва маҳаллий кенгашдаги депутатлари бу борада бир қатор қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлар билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда фаолият юритишмоқда.

Бироқ ислоҳотлар талабига мос ишчанлик, ташаббускорлик ҳамма жойда ҳам кўзга ташланмайди. Миришкор, Деҳқонобод каби туман партия кенгашлари фаолиятида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Партия фаолларининг масъулиятсизлиги туфайли тадбирлар ҳам номигагина ўтказилган. Деҳқонобод туман кенгаши томонидан эса, жойларда атиги саккизта БПТ тузилган холос.

Хулоса аниқ. Партия вакиллари қўлга киритилаётган ютуқларга соя соладиган камчилик ва муаммоларга ўз вақтида барҳам беришлари лозим. Чуқур ва изчил ислоҳотлар давом этаётган бир кезда хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, узоқни кўзлаб юритилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ эришилаётган муваффақиятларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш ҳозирги кун талабларига зид ҳолатдир.

# Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш —

## демократик тараққиётнинг муҳим шарти

« Давоми. Боши 1-бетда

Ислоҳотларнинг илк босқичи давомида ишлаб чиқилган суд-ҳуқуқ соҳасини туб ислоҳ қилиш миллий стратегияси суд ҳокимиятининг яхлит тизимини шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга имкон берди.

Шу маънода, Юртбошимиз бошчилигида ўтган давр мобайнида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш, маъмурий, жиноий ва хўжалик ҳуқуқи соҳаларига оид қонунчиликни либераллаштириш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, судларнинг мустақиллиги, масъулиятини, уларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш, энг муҳими, миллий тарихий тараққиёт ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда суд органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилиш борасида том маънода мустақиллигини таъминлашда ўзига хос концепция жорий этилди.

Бунинг самараси ўлароқ, бугун фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда, ўз навбатида суд идораларининг ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунга сўзсиз амал қилинишини таъминлашдаги роли ва масъулияти ошиб бормоқда.

Хусусан, бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, одил судловни амалга ошириш вазифаси суд идоралари томонидан бажарилар экан, авваломбор, ана шу соҳада хизмат қилувчи судьялар масъулиятини, уларнинг назарий ва амалий билимларини, малака ҳамда касб маҳоратини ошириш, судьялик захирасини муносиб номзодлар асосида шакллантириш, энг муҳими, суд тизимини ҳуқуқий онги етук, замонавий фикрлайдиган ва халқпарвар кадрлар билан таъминлаш принципиал аҳамиятга эга масаладир. Бу эса адолат ва қонунийлик ҳимоячиси сифатида ушбу тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир кишидан доимо судьялик касби ортидаги юксак масъулиятни бир зум ҳам унутмасликка, бутун вужуди билан қадрлаш ва унга муносиб бўлишни ҳам талаб этади.

Адолат пешволари, яъни судья ҳақида гап кетганда кўпчилик кўз ўнгида зиммасига одил судловни амалга ошириш, у ёки бу соҳага оид низони адолат тарозиси асосида ҳал этиш вазифаси юкланган шахс гавдаланади.

Агарда суд ҳокимияти ва судьялик касбига жамиятимиз обрўси, унинг демократик тараққиёти йўлида тутган ўрни ва роли нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ушбу соҳа эгаларининг фаолияти нақадар ўта шарафли, айни пайтда машаққатли ва масъулиятли эканлигини англаш қийин эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу соҳани танлаган ҳар қайси инсон, айниқса, ёшлар ҳуқуқшунослик, судьялик касбининг обрўли ёки шарафли эканлигини эмас, авваломбор, ҳар жиҳатдан ана шундай номга муносиб бўлиш, ўз ишини пухта билиш, теран фикрлай олиш, ҳар қандай вазиятда ҳар қандай масалани обдон ўйлаб, сўнгра бир қарорга келиш каби хусусиятларни ўзида шакллантириб бориши лозим. Чунки, судьянинг ҳар бир ҳаракати замирида инсон тақдири, унинг эртанги ҳаёт йўли, демакки, жамият манфаати ётади. Биргина нотўғри қарор ёки шошма-шошарлик бутун бир жамиятга зарар етказиши, аксинча, тўғри ва адолатли қарор эса фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши табиий.

Албатта, амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида ҳар қанча тўхталсак оз. Бироқ айни пайтда бугунги давр ҳар биримиздан фуқароларнинг хоҳиш-иродаси ва фикрларини тўла ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли касбимизни чуқур англашни тақозо этмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий замин, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйилаётган энг юксак меъёрларга тўла жавоб бера олиши — бу ишимизнинг ярми эканлиги, уларни ҳаётга тўла татбиқ қилишга эришишимиз, бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизмлардан амалда янада унумли фойдаланишимизни талаб этмоқда.

Бошқача айтганда, бугунги глобаллашув жараёни, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда.

Шу маънода, "**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**" ва унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига киритилган бир қатор муҳим, таъбир жоиз бўлса, мустақил демократик тараққиётимиз йўлида янги саҳифа очадиган тарихий ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам айнан шундай олий мақсадни кўзлаган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича Концепцияда илгари сурилган муҳим таклифлардан бири — судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий этилаётганлиги ҳамда суднинг жиноят ишини қўзғатишга доир ваколатини чиқариш билан боғлиқдир.

Шуни айтиш керакки, жиноят-процессуал қонунчилигига киритилаётган бундай ўзгартиш ҳамда қўшимчалар, авваламбор, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш шароитида суднинг ўрни ва ролини янада ошириш, суднинг том маънодаги мустақиллиги ва холислигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатлашга хизмат қилади. Айни пайтда эса бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг асосий шартномаси бўлмиш "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро Пактда мустаҳкамланган одил судловни амалга ошириш принципига тўлиқ мос келади.

Умуман айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан мазкур Концепцияда белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифалар юртимизда демократик ислоҳотларни ҳар томонлама чуқурлаштиришга, давлат қурилиши ва бошқарув тизимини демократлаштиришга, энг муҳими, Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Зеро, Юртбошимиз айтганидек, "давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғли мос келишига бевосита боғлиқдир".

# Бозор муносабатлари:

## рақобатни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омили

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ миллий иқтисодиётимизда ўтказилаётган ислоҳотлар негизида бозор иқтисодиётининг асосий принципларидан бўлган товар-пул муносабатларини тартибга солиш, хусусий мулкни ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш орқали ички бозорда рақобат таъсирида вужудга келган корхоналарнинг келгусида жаҳон бозорига чиқишлари учун кенг имкониятлар яратилиши мақсад қилиб олинган эди.

**Концепция: устувор вазифалар**

**Мавлуда НИШОНОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.



Ўзбекистон иқтисодий барқарорликка эришишининг муҳим шартларидан бири — иқтисодиётда мавжуд бўлган монопол тармоқларнинг фаолияти билан жамият ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсишини доимий равишда таъминлаш, товар ва хизмат бозорларида рақобатни шакллантириш ҳамда истеъмолчилар жамиятини барпо қилиш учун пойдеворни мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда монополистик фаолиятга қарши сиёсатга 1992 йилда асос солинган бўлиб, амалий жиҳатдан 1996 йил "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Монополистик фаолиятга қарши сиёсат, хусусийлаштириш ва хусусий сектор жадал ривожланишини таъминлаш — миллий иқтисодиётнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди. Мазкур йўналишда босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг тузилиши замонавий қиёфага эга бўлди.

Ҳозирги пайтда монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича ишлар кўпгина соҳаларда самарали натижаларни кўрсатмоқда яъни, маҳсулот ассортимент(тур)лари ва хизматлар доирасини, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар сонини бугунги кун билан таққослашнинг ўзи бунинг тўлиқ исботидир.

1996 йилда монополист-корхоналар давлат реестрида 4351 хил маҳсулот ва хизматлар тури бўйича 827 та хўжалик субъекти мавжуд эди. Ўтган давр мобайнида, Монополияга қарши курашиш давлат органи томонидан доимий равишда, турли товар бозорларидаги рақобат шароитини ўрганиш юзасидан таҳлиллар ўтказилиб, улар асосида реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Пировардида, 2000 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда монополист корхоналар сони 721 тадан 184 тага (4 бараварга), монопол маҳсулот ва хизматлар тури 1899 тадан 156 тага (12 бараварга) камайди. Монопол маҳсулот ва хизматларнинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирда 20 фоизни ташкил этмоқда. Натижада, мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 2010 йилда 52 фоизга етди. Кўриниб турибдики, охирги 10 йил давомида мамлакат иқтисодиёти юқори монополлашув даражасидан, рақобат муҳити ва кичик бизнес тўлалигича шаклланган иқтисодиётга айланди.

Мамлакатимизда рақобатнинг ривожланиши охир-оқибат ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатининг яхшиланишига ва нархи пасайишига ҳамда ўз навбатида монополист корхоналар Давлат реестри рўйхатининг ўзгаришига олиб келди. Товар бозорларининг маҳсулот турлари кўпайиши ҳисобига кенгайиши ва товар бозорига янги хўжалик юритувчи субъектларнинг кириб келиши натижасида монопол маҳсулотларнинг товар бозордаги улуши камайиб, улар монополист корхоналар Давлат реестри рўйхатидан чиқарилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида "...бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо амалдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шуни эътиборга олган ҳолда, "Рақобат тўғрисида"-ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш, битимларни тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир" дея таъкидладилар.

Мамлакатимизда шаклланган молия бозорлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар бугунги кунда иқтисодиётимизнинг қон томирларидир. Мазкур бозорда ҳозир юзлаб субъектлар фаолият юритмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди ва бу соҳада кутилган натижаларга эришилди. Ҳозирги кунда эса мазкур тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва унда рақобатга қарши ҳаракатлар ҳамда қайта монополлашув олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Молия бозори банк, кредит, суғурта, лизинг, биржа савдолари, қимматли қоғозлар бозори ва ҳакозо кўплаб соҳалардан иборат бўлиб, бу соҳаларда монополияга қарши тартибга солиш механизмини самарали жорий қилиш ва соғлом рақобатни ривожлантириш долзарб бўлиб турмоқда.

Айниқса, суғурта бозорининг янада такомиллаштирилиши ва ривожланишига давлатимиз катта эътибор қаратмоқда. Айни чоғда суғурта бозорида 34 та суғуртачи фаолият юритиб, улар томонидан 700 дан ортиқ суғурта тури бўйича хизматлар тақдим этилиши мазкур бозорда кучли рақобат мавжудлигини кўрсатади. Рақобат нафақат ихтиёрий суғурта бозорида, балки мажбурий суғурта сегментида ҳам мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалиётга тадбиқ қилиниши билан 9 та, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга татбиқ қилиниши билан 12 та суғурта компанияси шуғулланади.

Суғурта хизматида рақобат курашининг асосий омили, бу — суғурта компанияларининг вақтида ва тўла миқдорда ўз мажбуриятларини бажариш қобилияти ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, суғуртачи тезкор, ҳеч қандай тўхташларсиз аризаларни кўриб чиқиб, суғурта мукофотларини тўлаб берса, бу унга рақобатчилари олдида катта устунлик беради.

Суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек, суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш бўйича меъёрлар бир қатор қонуности ҳужжатларида белгилаб берилган. Шунингдек, молия бозорининг биржа савдолари, лизинг хизматлари, қимматли қоғозлар бозори каби соҳаларда ҳам рақобатни янада шакллантириш ва соғлом рақобатни ривожлантириш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонуни молиявий хизматлар бозоридаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган. Бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермайди.

Шу нуқтаи назардан, "Рақобат тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳозирги кунда кўпгина алоҳида қонуности ҳужжатларидан иборат бўлган меъёрларнинг жамланишини таъминлаб беради. Бу эса мазкур соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини оширади ҳамда қонунчиликда мавжуд бўш жойларни ва монополияга қарши тартибга солиш соҳасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этади. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитлар, товарларнинг эркин айланиши, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлайди. Булар шубҳасиз, рақобат ривожланиши ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг энг асосий жиҳатларидир.

# Оилавий бизнес — даромад манбаи

## бу эса турмуш фаровонлигини ошириш баробарида, иқтисодий тараққиётни юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади

**Анжуман**

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Тошкент вилояти матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан Ўртачирчиқ туманида ташкил этилган "Кичик ва оилавий бизнес ҳамда инновацияларни рағбатлантириш — иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили" мавзусидаги давра суҳбатида бу ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари, турли ташкилот ва идоралар вакиллари, маҳалла фуқаролари ва оқсоқоллари, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этган ушбу тадбирда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш, уни ривожлантириш истагида бўлган фуқароларимизни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги алоҳида эътироф этилди.



— Юртбошимиз томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Концепция Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни янада юксалтиришга мустаҳкам пойдевор бўлди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров. — Концепциядан ўрин олган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топишида, пировардида, аҳоли турмуш шароитини янада оширишга хизмат қилади. Мазкур жараён сиёсий партиялар олдига ҳам катта масъулиятли вазифалар юклаганлигини чуқур англаб турибмиз. Шу боис, тадбиркорларни юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кенгроқ хабардор қилиш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларга, аҳолининг кам таъминланган қатламларига кўмак бериб, уларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишга ҳисса қўшиш "Адолат" СДПнинг диққат марказидаги устувор вазифалардандир.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5 фоизига етди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2000 йилда 30 фоизни ташкил этган. Бу биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганлигининг самарасидир.

— Оилавий бизнес муҳим даромад манбаи, — деди Тошкент вилояти партия Кенгаши раиси Камолжон Шодиметов. — Бу турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, иқтисодий тараққиётни таъминлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Ўртачирчиқ туманида тадбиркорликка иштиёқи баланд, салоҳиятли фуқаролар кўпчиликни ташкил этади. Тадбирнинг айнан мазкур туманда ташкил этилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Уларни қўллаб-қувватлашни, ҳуқуқий кўмак беришни ўз бурчимиз деб биламиз. Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туманларида ўтказилиши режалаштирилган.

Тадбирнинг иккинчи қисмида тумандаги турли йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда банк ва нотариал идора вакиллари таклиф этилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрган ёшларга кўрсатма ва маълумотлар берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП Ўртачирчиқ тумани кенгаши депутати, тадбиркор Умид Шоумаров ҳомийлигида кам таъминланган оила фарзандларининг 34 нафарига хатна тўйи ўтказилди.

Маълумки, сиёсий партиялар сафларида машҳур инсонлар, айниқса, спорт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритиб келаётган спортчиларнинг бўлиши ёшлар маънавиятига, дунёқарашининг ўсишига, фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади. Анжуман давомида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича нафақат қитъамизда, балки жаҳонда тенгсиз бўлиб келаётган Вадим Меньковга партия аъзолик билетининг топширилиши спортчиларимизнинг ҳам сиёсий фаол эканлигини яна бир карра исботлади.

— Мен Ўзбекистон "Адолат" СДП дастури билан танишиб чиққанимда қарашларим партия мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг эканлигини англадим, — деди Вадим Меньков. — Чунки спорт соҳасида ҳам адолат тамойиллари устувор бўлгандагина ҳақиқий чемпионлар кашф этилади. Қолаверса, бугун юртимизда сиёсий соҳада улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда спортчилар ҳам фаол иштирокчига айланиши керак, деб ўйлайман.

Очиқ мулоқот, савол-жавобларга, фикр-мулоҳазаларга бой бўлган тадбирда санъаткорларнинг иштироки ҳам ўзгача файз бағишлади. Бу эса, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

# Халқ ишончи юксак масъулият

Маҳаллий Кенгаш депутатлари

**Тўйинбиби ЁДГОРОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона тумани кенгаши депутати.



Фарғона туманининг олис тоғ ҳудудида жойлашган Шоҳимардон қишлоғида жами 6 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳил фуқаролар 15 та маҳаллага бирлашиб, умргузаронлик қилишмоқда.

Сўзим аввалида алоҳида таъкидлашни жоиз деб билдим. Гап шундаки, эътибор бор жойда ўзгариш, олға силжиш бўлади. Инсон меҳнатига бериладиган баҳо, рағбат, энг муҳими, ишонч унинг ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этади. Биргина мамлакатимизда аёл зотига кўрсатилаётган эҳтиром, юксак эъзоз ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам қувонч бахш этиб, эртанги кун учун янада масъул бўлишга ундамоқда. Мен Халқ депутатлари Фарғона тумани кенгаши депутати этиб сайланганимда бу ҳаётий ҳақиқатни теран англаб етган эдим. Халқимиз менга ишонч билдирди. Депутат этиб сайлади. Шу ўринда табиий савол туғилади, хўш, сайловчилар ишончи оқланаяптими?

Бугун мамлакатимизнинг қай гўшасига борманг, ислоҳотлар жадал олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, Юртбошимиз томонидан туман ва қишлоқлар аҳолисига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар барчамизни мамнун этмоқда. Яратилаётган шарт-шароитлардан, имконият ва ваколатлардан унумли фойдаланиб, аҳоли ҳаёт-тарзини янада ошириш йўлида давлатимиз томонидан илгари сурилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий дастурларни қўллаб-қувватлаган ҳолда фаолият олиб бормоқдамиз.

Сайловчилар билан учрашувларда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, қишлоқ инфратузилмасини янада яхшилаш, ободонлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Эътиборли жиҳати, "Ёрдон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувлар очиқ мулоқот тарзида ўтди. Ҳududдаги мавжуд муаммолар дадил ўртага ташланди, уларнинг муқобил ечимлари айтилди. Сайловчилар партия сайловолди дастури, уларнинг устувор йўналишлари билан қизиқиб, етарлича маълумот олдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" номли маърузаси тарғиботига бағишланган тадбирлар Шоҳимардон ҚФЙда кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда ҚФЙга бирлашган барча маҳалла фуқаролар йиғини раислари, аҳоли вакиллари, ёшлар фаол иштирок этишди.

Ҳар бир умумхалқ байрамларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига мурувват кўрсатилиб келинмоқда. Масалан, Наврўз байрами арафасида узоқ муддат ётиб қолган беморлар, қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилалар МФЙ кўмагида рағбатлантирилди. Имтиёзли кредитлар олишларида ҳам уларга кўмак берилмоқда.

Шоҳимардон ҚФЙда иккита умумтаълим мактаби жойлашган. Уларда юзлаб ўғил-қизларимиз таълим-тарбия олишмоқда. Иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабларда фан ойликлари, маънавий-марифий тадбирлар ўтказилиб, бунда илғор, иқтидорли ва истеъдодли ўқитувчи ва ўқувчилар мунтазам рағбатлантирилиб келинмоқда.

Аҳоли орасига янада кенгроқ кириб бориш, уларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш мақсадида ташкил қилинган "Депутатлик қабулхонаси" мунтазам ишлаб турибди. Ҳозирда фуқаролардан турли мавзулардаги мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, қабулхонамизга келиб тушган аҳоли талабномасига асосан "Нурдиёр" хусусий озиқ-овқат дўконига савдо терминали ўрнатилди. Ҳозирда қишлоқда савдо терминаллари ўрнатилган шохобчалар сони бештага етди. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида "Орол" маҳалласидаги янги қурилган хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди...

Вояга етмаганларнинг носоғлом йўлларга кириб кетиши олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири "Наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши кураш" ойлигига бағишланди. Бу тадбирларда туман партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти доимий ҳамкоримиз. Ш.Хамидова, Г.Дадажонова, Д.Темирова, У.Мамарахимов, М.Расулов сингари ёшлар энг фаолларимиздандир.

Айни кунларда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаси асосида туманимиз ҳудудларида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Қувонарлиси шундаки, ташкил этилаётган тадбирларда аҳоли, айниқса, ёшлар фаол иштирок этиб, Концепцияни зўр қизиқиш билан ўрганмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳаётига доир энг долзарб масалаларни илгари сураяпмиз. Хўш, ушбу йўналишдаги вазифалар Ўзбекистон «Адолат» СДП партиясининг сайловолди дастурида қай даражада ўз аксини топган?

Қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партиямиз сайловолди дастурида устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Бунда қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, қишлоқларда йўл қурилишини ривожлантириш, мавжуд ижтимоий объектларни модернизация қилиш ва янгиларини барпо этиш, замонавий ҳамда шинам уй-жойларни қуриш каби масалаларга алоҳида урғу берилган.

Боз устига, ҳудудимизда ушбу масалалар бўйича ечимини кутиб турган айрим муаммолар йўқ эмас. Масалан, "Орол" маҳалласи асосий қатнов йўлини таъмирлаш, ёшлар учун қишки спорт иншооти қуриш, айниқса, қишлоққа саноатни олиб кириш ечимини кутаётган масалалардандир.

Бугунги куннинг яна бир муҳим масаласи, бу — қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашдир. Бу масала, менинг фикримча, олис туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ўзининг ижобий ечимини топади. Шу билан бирга, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва меҳнат бозори ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш механизмини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Ана шунда коллежларни битираётган қишлоқ ёшларининг ижтимоий ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилган бўлур эди.

---

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ келажак эгалари бўлмиш ёш авлодга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Узоққа бормайлик, биргина Юртбошимиз томонидан ҳар бир йилнинг номланиши таг-замирида ҳам ёшлар манфаатлари асосий ўринлардан бирида туради. "Соғлом авлод йили"ни оласизми ёки "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили"-ми... буларнинг барчаси замирида соғлом ва баркамол ёшларни вояга етказиш, тарбиялаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш ғояси ётади. Бу борада белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун махсус ишлаб чиқилаётган Давлат дастурлари асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасини мамлакатимизда ёшлар томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ва улар эришаётган улкан ютуқлар мисолида кўришимиз мумкин.

# Аёллар, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишда

### Ўзбекистон "Адолат" СДП Давлат ижтимоий дастурларини илгари суради ва уларни қўллаб-қувватлайди

Аёллар қаноти

**Дилноза АЛИМОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши "Аёллар қаноти" раиси.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнлари давом этаётган бир пайтда замон шиддат билан одимламоқда. Фан-техника ютуқлари юқори чўққиларга етди... Билим олишнинг замонавий турлари кашф этилди... Бунинг баробарида тараққиётга раҳна солувчи бузғунчи ғоялар, ёт мафкуралар, ҳар хил кўпорувчи ва экстремистик оқимлар ҳам урчиб бораётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ана шундай бир пайтда огоҳлик, хушёрлик давр талабига айланди. Оилада, маҳаллада, таълим-тарбия муассасаларида, давлат ва жамоат ташкилотларида ёшлар билан алоҳида ишлашни янада кучайтириш, ўғил-қизларимизни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш, бўш вақтларини тўғри ва самарали ташкил қилишларини доимий назоратга олиш биз катталарнинг, хусусан, аёлларнинг устувор вазифамиз бўлмоғи даркор. Зеро, мамлакатимизда оналар ва болалар жамиятнинг энг имтиёзли ижтимоий қатламига айлангани бежиз эмас.

Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга бағишланган маърузаларида илгари сурилган фикрларга таянсак, ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган мақсади соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат. Соғлом деганда биз фақатгина жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Соғлом авлодни тарбиялаш — келажаги буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши қошидаги "Аёллар қаноти" фаолиятида ҳам ёшлар тарбияси, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, муаммолар ечимини топиш ва уларни бартараф этиш масалаларига муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби зарарли одатлар бор нотинч оилаларда болалар тарбиясини назорат қилиш, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидандир.

Балоғат ёшидаги ўғил-қизларни ҳаётга, оилага тайёрлаш мақсадида таълим даргоҳларида, маҳаллаларда турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари уюштирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ никоҳдан олдин келин-куёвлар ўз ихтиёрлари билан тиббий кўрикдан ўтишмоқда. Ёш оилалар ўртасидаги ажрим ҳолатлари кескин қисқарди. Ҳомиладор аёллар, ёш оналар ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишлари шартлиги ҳам турли тадбирлар орқали тарғиб қилинмоқда. Хотин-қизларни касбга йўналтириш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини юксалтириш мақсадида кенгашимиз қошида ташкил қилинган "Маслаҳат гуруҳи"нинг бу борада алоҳида ўрни бор.

Мухтасар айтганда, "Аёллар қаноти" партиямиз мақсад ва вазифалари, сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини давом эттирмоқда. Зеро, Ўзбекистон "Адолат" СДП жамиятда аёллар, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилади ва Давлат ижтимоий дастурларини илгари суради ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.



---

# Миллий парламентаризмни ривожлантириш масалалари

« Давоми. Боши 1-бетда

Ислоҳотлар жараёнидаги бундай шароит — сиёсий партиялар ва фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг сайлов жараёнларида хоҳиш-иродасини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг асосий таъсир ўтказувчи воситаларидан бирига айланишида муҳим ўрин эгаллади. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантиришда ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги ўрни ва роли тубдан кучайишида муҳим турткι бўлди.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун мамлакатимизда ижтимоий фаолликни ошириш, демократик ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши борасидаги ташкилий-ҳуқуқий шароитни янада кенгайтиришга хизмат қилди. Масалан, Конституциявий қонуннинг 3-моддасида, хусусан, «Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга» экани белгилаб қўйилди. Бунда, шунингдек, Спикер ўринбосарлари парламент қуйи палатаси қўмиталари аъзолари бўлиши мумкинлиги ҳам назарда тутилди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг янги ўринбосарларининг сайланиши Қонунчилик палатасидаги партиялар фракцияларининг ваколати ва имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда парламент қуйи палатасида қарорлар қабул қилиш жараёнларини янада демократлаштириш имконини беради. Фракциялар аста-секин мамлакат олий қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ва йўналишини белгилаб берувчи парламентнинг ҳаракатлантирувчи асосий кучига айланди.

Юртбошимиз Ислом Каримов 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор вазифамиздир" деб номланган маърузасида парламент фаолиятига баҳо бериб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар:

"Маълумки, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига — мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди.

Парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди".

Дарҳақиқат, икки палатали парламентнинг жорий этилиши ва профессионал депутатлар корпусининг шакллантирилгани қабул қилинаётган янги қонунларнинг янада пухта ва мукаммал бўлишига, уларда минтақалар ва барча ижтимоий қатламлар манфаатлари тўлиқроқ ифодаланишига имкон яратади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Қонунчилик палатаси фаолиятининг профессионаллашуви муносабати билан депутатлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фаол фойдалана бошладилар. Қолаверса, депутатларнинг киритилаётган қонунлар сифатига, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асосларига талаблари ошди. Қонун ижодкорлиги борасида халқаро тажрибаларнинг жорий қилина бориши эса, Ўзбекистон қонунчилигини халқаро талабларга янада яқинлаштирди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида таклиф қилган Концепцияга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш йўналишидаги дастлабки ҳуқуқий ҳужжат "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98- моддаларига)"-ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни жорий йилнинг март ойида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди.

Қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжатнинг биргина 78-моддасига киритилган ўзгаришларни оладиган бўлсак, унда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳақидаги норма аниқ, лўнда ифодалаб берилди. Бу барча сиёсий партиялар қатори "Адолат" СДПнинг ҳам ўз сайловолди ва Ҳаракат дастурларида, давлат бошқаруви соҳасида ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойиллари устувор сиёсий йўналиш сифатида эътироф этилганлиги ҳамда мазкур дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга кенг имкон яратганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши ва "Адолат" СДП учун яна бир муҳим жиҳати, яъни қонуннинг парламент назорати институтининг сифат ва самарадорлиги жиҳатидан яна бир юқори поғонага кўтарилишга қаратилган ҳуқуқий тартибнинг ўрнатилганлиги билан ифодаланади. Чунончи, қайд этилган қонунга мувофиқ Конституциянинг 98-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди. Бу киритилган янги тартиб сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияларига Ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг таъсирчан механизмидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа бир қатор қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар, шу жумладан, "Адолат" СДП учун жамиятда юзага келаётган реал ўзгаришларни акс эттирганлиги, мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда уларнинг ролини оширишни назарда тутганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳаёт

# Ёшларни ижтимоий ҳимоялашда ННТнинг ўрни

**Концепция: устувор мақсадлар**

**Д.АТАЖАНОВА , Б.ИСРАЙЛОВ**
Тошкент давлат юридик институти ўқитувчилари.

Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат тушунчалари азал-азалдан ўзбек халқининг раҳмдиллик, оқибатлилик, болажонлик каби фазилатларини ифодаловчи муҳим хусусиятларни ўзида мужассам этган. Муҳтожларга ёрдам бериш, ўзаро муносабатларда ҳурмат кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашда заиф қатлам манфаатларини алоҳида эътиборга олиш каби масалалар азалдан ижтимоий адолат қарор топган ҳуқуқий демократик давлат белгиларидан саналган. Халқимиз маънавиятининг таг заминини ифодаловчи муқаддас ислом дини ҳам одамийлик, бева-бечораларга ёрдам кўрсатиш, хайр-эҳсон қилиш, нафақалар тайинлаш каби муҳим ижтимоий муҳофаза турларини ўз ичига олади. Хусусан, ислом дини манбалари бўлмиш ҳадисларда одамларга очиқ юзли бўлишнинг ўзи ҳам яхшилик, садақа экани алоҳида таъкидланган.



"Ижтимоий адолат ахлоқий императив қоида бўлибгина қолмай, миллий барқарорлик ва бутунжаҳон фаровонлигининг асоси ҳамдир. Тенг имкониятлар, баҳамжиҳатлик ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши — халқлар ва миллатларнинг самарадорлик қудратини оширишдаги муҳим жиҳатлардир", дейди БМТ Бош котиби Пан Ги Мун. Ижтимоий ҳимоя масаласи нафақат бирон-бир мамлакат миқёсида, балки бутунжаҳон бўйлаб аҳамиятли бўлган масалалардандир. БМТ Бош Ассамблеяси 2007 йилнинг 26 ноябрида 20 феврални Бутунжаҳон ижтимоий адолат куни деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида ўзига хос йўналишни танлаб, фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бунда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш баробарида барча фуқаролар учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш ва ҳар бир шахснинг камол топиб ривожланишини таъминлаш вазифасини илгари сурди.

Барча учун ижтимоий адолат принциплари бир хил татбиқ этилар экан, бунда ўсиб келаётган ёш авлод манфаатларини алоҳида ҳимоялаш — муҳим тамойилдир. Ёш авлод учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш уларга нафақат моддий-маиший қулайликлар, балки зарур ташкилий ва ҳуқуқий имкониятлар яратилишини ҳам тақозо қилади.

"...бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш — истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада

> **"Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради."**
>
> **Ислом КАРИМОВ**

ошириш; хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир", — деган эди Юртбошимиз И.Каримов. Ўн тўққиз йиллик тарихимиз давомида ҳар бир келаётган йилни ижтимоий ҳимоянинг муайян йўналишларига бағишлаб маълум номлар билан атар эканмиз, барча куч ва имкониятимизни ушбу соҳага қаратиш орқали конкрет муаммоларни ҳал этишга, аҳолининг тегишли табақаси моддий-турмуш шароитини яхшилашга интилиб келмоқдамиз. Мустақил тараққиёт тарихимизнинг муайян йиллари маънавий ва жисмоний соғлом авлодни камол топтиришга бағишлангани, ушбу масалага оид давлат дастурлари қабул қилингани ва муваффақият билан бажарилганлиги, республикамиз Президенти ва ҳукуматининг ёшлар масалаларига тааллуқли бир қатор қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилгани фикримизнинг далилидир. Жумладан, 2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили", 2008 — йил "Ёшлар йили" ва 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси юзасидан ўтган давр мобайнида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбирлар амалга оширилди. Бунда хусусан, ёшлар таълим-тарбияси, моддий-маданий эҳтиёжлари давлатимиз ва жамиятимизнинг эътиборида бўлди, уларнинг эҳтиёжи учун бир неча ўн миллиард сўм маблағлар сарф-харажат қилинди. 2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилгани ҳам юқорида белгиланган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Концепцияда таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди. Уларнинг жадал фаолияти натижасида социал соҳада ижобий ўзгаришлар юз берди.

Ҳозирги ривожланган жамиятда ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда ҳам янгича ёндашув лозим. Бу ёндашувни ишлаб чиқишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда айни вақтда 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётгани ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўп эканлиги Концепцияда қайд этилган. Бевосита ёшлар билан мулоқотни кенг йўлга қўйишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун", "Сен ёлғиз эмассан" фондлари, "Келажак овози" Республика ёшлар танлови, "Янги авлод" каби ўнлаб лойиҳаларни амалга оширувчи жамоат бирлашмаларини санаб ўтиш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг ижтимоий ҳимояни амалга оширишдаги ўрни нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки бутунжаҳон бўйлаб ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг янгича кўриниши сифатида долзарб бўлиб бормоқда. Жорий йилда мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондига БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши ЭКОСОС доирасида маслаҳатчи мақомининг берилиши ҳам мамлакатимиздаги жамоат бирлашмаларига билдирилган юксак ишонч ва буюк эътирофдир.

Бундай мақом халқаро миқёсда нуфузли бўлган ижтимоий ҳимояни амалга оширувчи жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларигагина берилади. Ҳозирга қадар шундай юксак мақомга ривожланган давлатларнинг ўнга яқин энг фаол нодавлат нотижорат ташкилотлари сазовор бўлганлар холос.

Фондга маслаҳатчи мақомининг берилиши БМТ ишига, хусусан, ЭКОСОС, унинг комиссиялари ва бошқа ёрдамчи бўлинмалари фаолиятига ижобий ҳисса қўшиш имкониятини назарда тутади. Маслаҳатчилар БМТ ва унинг бўлинмаларининг анжуман ва сессияларида иштирок этишлари, баёнот бериш, тажриба алмашишлари, БМТнинг халқаро ва гуманитар ривожланиш бўйича мақсадларига эришишига ҳисса қўшиш йўлида ушбу халқаро ташкилотнинг Нью-Йорк, Вена, Женева ва ҳудудий комиссияларидаги масъул вакилларни тайинлашлари мумкин. Махсус маслаҳатчи мақоми Фонд Форумга БМТнинг халқаро маданий гуманитар ҳамкорлик, таълим, фан, маданият ва санъат соҳасида миллатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи ва хайрия ишларини тарғиб қилиш фаолиятида иштирок этиш имкониятини беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қабул қилаётган давлат дастурларимиз ва бошқа йирик тадбирларимизда ёшлар мавзусининг мунтазам равишда мавжуд бўлиб туриши ушбу масала ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмаслигидан далолат беради. Ўзбекистон буюк келажак барпо қилишдек эзгу мақсадни ўз олдига қўяр экан, ушбу келажак ёш авлод учун яратилиши ва ёшларнинг билим савияси ҳамда ақлий салоҳиятига нечоғли боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Давлатимиз томонидан яратилаётган бундай қулайликлар ва имкониятларга жавобан биз ёшлар ўз билим ва тафаккуримизни янада бойитишимиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида етарли билим ва малакага эга бўлиб, жамиятнинг ривожи ва гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Зеро, Президентимиз айтганидек, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

---

Юртбошимизнинг 2009 йил 27 апрелдаги қарорига биноан пойтахтимизда ташкил этилган Турин политехника университетида 2011-2012 ўқув йилида тўлов-контракт асосида 175 нафар талаба ўқишга қабул қилинади.

# Турин ўқишга чорлайди

**Назарбек МАЙЛИЕВ.**

Маълумки, 1400 талабага мўлжалланган ушбу олий ўқув юртида машинасозлик технологиялари, автомобилсозлик, саноат ва хўжалик қурилиши, архитектура ва саноат дизайни, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика факультетлари очилган.

Бу даргоҳдан автомобилсозликнинг етук мутахассислари, айни пайтда қатор бошқа муҳим соҳаларда замонавий кадрлар етишиб чиқади.

Мамлакатимизда замонавий олий ўқув юртлари кўп. Лекин бу даргоҳ рейтинг жиҳатидан Италияда биринчи ва Европада еттинчи ўринда турадиган Турин политехника университети стандартлари бўйича таълим берадиган ўзига хос ягона таълим масканидир. Ушбу олий ўқув юртида дарслар инглиз тилида олиб борилади. Талабаларга ўзбекистонлик ўқитувчилар билан бирга, Турин политехника университетининг етакчи мутахассислари сабоқ беради.

Фақат бугина эмас.Туриндаги университет ҳузурида Fiat, GM, Alltalia, Compaq, Ferrari, IBM, Michelin, Microsoft, Motorola, Nokia, Philips, Pirelli, Siemens каби йирик корпорацияларнинг технопарклари мавжуд. Тошкентдаги университет талабалари уларнинг тажриба ва ишланмалари, ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат автомобилсозлик, балки саноатнинг юқори технологияли бошқа тармоқлари ва дизайн соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.



---

# Интерактив хизмат

**Солиқ**

**Бобур ҲАСАНОВ,**
Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи.

Маълумки, бугунги кунда глобаллашувнинг шиддаткор жараёнлари кириб бормаган соҳалар кам топилади. Ахборот технологиялари ривожланганлиги, солиқ органлари фаолияти тўлақонли компьютерлаштирилганлиги боис ҳисоботларни электрон кўринишда топшириш солиқ тўловчиларга интерактив хизмат кўрсатиш имкониятини яратмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 4 августда тасдиқланган "Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва Давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига асосан солиқ тўловчилар бир қатор қулайликларга эга бўлмоқдалар. Негаки, қарорда солиқ тўловчилар молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширишлари белгилаб қўйилган.

Бинобарин, авваллари солиқ тўловчилар томонидан, хусусан, йирик корхоналар ойлик ҳисоботларни ҳар ойда, кичик корхоналар эса чоракда бир маротаба Давлат солиқ органларига тақдим этишган бўлса, эндиликда уларнинг барчаси ҳисоботларни қоғозда топширилиши сақланган ҳолда электрон шаклидан фойдаланиш имкониятига эга.

Мазкур қарорга мувофиқ солиқ тўловчилар молиявий ҳисобот ва ҳисоб-китобларини электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этиш мақсадида "Солиқ тўловчи юридик шахслар ҳисоботини электрон кўринишда қабул қилиш" дастури ишлаб чиқилди ва ҳозирда республикамизнинг барча туманларида амалиётга жорий этилган. Дастурга кўра, электрон имзо рақами ёрдамида интернет орқали битимларни тезкорлик билан тузиш, тендер ва ким ошди савдоларида иштирок этиш, электрон имзоларни имзолаш ва узатиш, ҳисоботларни тўлдириш, тўловномаларни бир зумда муаммосиз ҳал қилиш мумкин.

Дарвоқе, дастурнинг афзалликларидан яна бири банк тўловларини ҳам электрон почта орқали амалга оширишлари, бунинг натижасида солиқ инспекцияси ҳамда банк муассасасида ҳисоботларни топшириш ва тўловларни амалга ошириш учун кетадиган вақт тежалади.

---

# Фаровонликка элтувчи йўл

**Концепция: ҳаётчан ғоя**

**Эргаш АБДУЛЛАЕВ,**
Тошкент Молия институти ўқитувчиси,
**Ойбек МУҲАММЕДОВ,**
мазкур институт талабаси.

"Ўйлайманки, — деди Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг Қўшма Мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" тўғрисидаги маърузасида, — бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди."

Дарвоқе, мамлакатимизда оилавий бизнес иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритиш фаолиятининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли тарзида миллий анъаналаримизга мос ҳолда кириб келмоқда. Зеро, юртимизда халқимизнинг энг яхши миллий анъаналарини қайта тиклаш, жумладан, одамларнинг ҳунармандчилик ва хусусий бизнес юритиш хўжаликларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Чунки, давлатимиз раҳбари оилавий бизнес — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ана шу кўникмаларини қўллаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашадиган самарали ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб хизмат қила олишини олдиндан кўра билиб, истиқлол йиллари бошиданоқ катта эътибор бериб келади ва доим эслатиб, такрорлаб туради. Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, оилавий бизнесга ҳалоллик бахш этмасдан, керак бўлса кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият ҳамда преференциялар яратмасдан туриб, миллий иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлаш ҳийла мушкул иш.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази аҳоли ўртасида ўтказган сўров натижалари маълумотларига кўра, ҳозир мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланмоқда. Чунончи, ҳар уч оиланинг бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ҳар олти оиланинг бири савдо хизматлари билан машғул. Ҳар саккиз оиладан бири ҳунармандчилик ва кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан банд. Олти ярим фоиз оилалар транспорт хизматлари кўрсатиш тизимида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, тиббиёт, таълим, ҳуқуқ ва бошқа тур хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам оилавий бизнес тобора кенгроқ кириб бормоқда.

Дарвоқе, бугунги кунда республикамиз ҳудудларида яшаётган оилаларнинг учдан бир қисми ўз оилавий бизнесларини йўлга қўйиш истагини билдирмоқдалар. Улар орасида қишлоқ аҳли шаҳар аҳлига қараганда деярли бир-бир ярим баравар кўплиги эҳтимолдан холи эмас, албатта. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича, чорвачилик, тикувчилик, ҳунармандчилик, тиббиёт билан шуғулланишни истаётган қишлоқдаги минг-минглаб оилалар оилавий бизнес ташкил қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланиши ва қонунчилик базаси яратилишини кутиб турганликлари бор гап. Уларнинг барчаси Концепцияда қайд этилган бизнеснинг янги шакли — оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий базасини белгилаш зарурлиги тўғрисидаги, яъни замонталаб, ҳаётчан ғоя қоидалари бандлик дастурининг ижроси йўлида янги-янги иш ўринлари очилишига, миллий иқтисодиётимиз ва аҳоли фаровонлиги даражаси ошиши истиқболига бениҳоя катта таъсир қилишини яхши, чуқур англаб турибдилар.

Давлатимиз раҳбари шу нуқтаи назардан ҳам дедилар: **"Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади".**

Умид қиламизки, мазкур ҳаётчан ғоянинг тезроқ амалга ошуви борасида кутилаётган янги ташкилий-ҳуқуқий меҳнат шакли — оилавий бизнеснинг қонуний мақоми лойиҳаси ишлаб чиқилишида, қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишида Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатаси депутатлари, ундаги барча сиёсий партиялар фракциялари, жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ва кенг жамоатчилик фаол иштирок этадилар.

# Иқтисодий тараққиёт йўлидаги дадил қадам

**Халқаро эътироф**

**Фурқат ШОУСМАНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Халқаро валюта жамғармасининг куни-кеча «Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари» деб номланган янги маърузасида таъкидланишича, Ўзбекистон 2011 йилда ҳам иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчилардан бири бўлиб қолади. Энг муҳими, ўсиш барқарорлиги айрим давлатлар каби энергетик захиралар экспорти ҳисобига эмас, балки ички талабнинг юқорилиги, давлат инвестициялари ва маҳсулотлар экспорти эвазига таъминланиши эътироф этилган.



Бундай ютуқлар замирида албатта, 2010 йилда республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини муваффақиятли амалга ошириш каби улкан яратувчилик ишлари мужассамдир. Зеро, 2010 йил якунлари мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётганлигини, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланаётганлигини кўрсатди.

Маълумки, жаҳон иқтисодиёти ҳануз чуқур молиявий инқирозни бошдан кечирмоқда. Бир неча йил олдин АҚШда бошланган танглик миллий ва митақавий чегаралардан чиқиб, глобал тус олди. Дунёдаги деярли биронта мамлакат бу инқироздан четда қолмади.

Инқироз давом этаётган ва ундан чиқиб кетиш бўйича ҳануз якдиллик мавжуд бўлмаган бир паллада унинг барча оқибат ва сабоқлари ҳақида гапириш қийин, албатта. Америкалик экспертлар инқирознинг иккинчи тўлқини ҳақида огоҳлантириб, яқин келажакда иқтисодиёт заифлигича қолади, деб башорат қилса, хитойликлар иқтисодиёт энди ўсишда давом этади, деб ҳисобламоқдалар. Европалик мутахассислар пессимистик кайфиятда қолаётган бўлсалар, россияликлар мамлакатнинг инқироздан чиқиши 2014 йилдан бошланишини тахмин этаётирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам инқирозни бартараф этиш қисқа муддатларда кечмаслигини кўрсатган эди.

Халқаро валюта жамғармаси 2011 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари атиги 3-4 фоиз атрофида бўлишини башорат қилганди. Айни кўрсаткич 2009 йилдагига нисбатан икки баробар юқори бўлса-да, инқирозгача бўлган кўрсаткичлардан анча пастдир. Демак, бўҳрон яна бир неча йил давом этиши мумкин, ва ҳатто, унинг чуқурлашув хавфи йўқ эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон глобал инқироз шароитида ҳам юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб келаётган жаҳондаги ўнта мамлакатдан бири эканлиги кишига ғурур ва ифтихор бағишлайди. 2010 йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш 8,5 фоизни ташкил қилгани, иқтисодиётнинг барча асосий тармоқларида ўсиш давом этаётгани шундан далолат беради.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини имкон қадар юмшатишда макроиқтисодий барқарорликнинг мавжудлиги, банк-молия соҳасининг барқарор фаолият юритишда давом этганлиги, мавжуд олтин-валюта захиралари, ташқи қарзнинг минимал паст даражаси ва ниҳоят, иқтисодиётнинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши ҳал қилувчи роль ўйнади. Давлатимиз ўзининг кучқудратига таяниб, заиф, инқироз зарбаларини кўтара олиши қийин бўлган корхоналарни молиявий томондан қўллаб-қувватлади, натижада йирик банкротликларнинг олди олинди, ишсизлик ва ночорлашувнинг кенгайишига йўл қўйилмади. Бу билан давлатимиз инқироз шароитида ҳам яна бир бор бош ислоҳотчилик, намойиш қилди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойили орасида давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлиги илгари сурилган эди. Бу тамоил бозор муносабатлари асосида янги иқтисодиётни барпо этишда, глобал молиявий танглик шароитида ўзининг ҳаётийлигини намоён қилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг, глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йилда бўлиб ўтган ҳар икки қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасида баён қилинган иқтисодиётни эркинлаштириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш ташаббуслари келгуси тараққиётимизнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

«Бозор муносабатлари ривожи тобора авж олаётган ҳозирги шароитда мулкга эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи қандай қонуний асослар билан кафолатланади. Масалан, фуқароларнинг шахсий (ҳусусий) мулклари ҳам давлат мулки шаклида каби дахлсиз ҳамда давлат ҳимоясида бўладими? Ёйинки, фуқаролар ўз шахсий меросини ўзи хоҳлаган кишиларга — яқин қариндошлари, фарзандлари, набиралари ва ҳоказо... васият қилиб қолдира оладими?»

**Сафар САЪДУЛЛАЕВ,**
**Жиззах вилояти, Зафаробод тумани.**

# Мулкга эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш

## ҳуқуқи қонун билан кафолатланган

**Сўранг, жавоб берамиз!**

**И.НУРИДДИНОВ,**
Жиззах туманидаги 1-сонли Нотариал идораси нотариуси.

Ҳуқуқий демократик жамиятда Конституция Асосий қонун сифатида фуқароларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Аслида ҳам ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини англамоқни Конституцияни ўрганмокдан бошламоғи жоиз. Зеро, барча тараққийпарвар мамлакатларда Конституция — Асосий қонун сифатида эътироф этилади ва қабул қилинадиган бошқа қонуний ҳужжатлар унга мос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон омили устувор қилиб белгиланган. Жумладан, Бош Қомуснинг 14-моддасида *«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонуний принциплар асосида амалга оширади»* дейилган. Биз ҳуқуқшуносларнинг асосий мақсадимиз — Бош Қомус асосида бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, одил фуқаролик жамиятининг мустақил пойдеворини шакллантиришдир.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Жумладан, хусусий мул ҳам бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Бу борада Бош Қомусимизда алоҳида модда бор. Масалан, унинг 54-моддасида *«Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»* деб қайд этилган. Бу дегани Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро шахсий мулки бўлган уй жойлари, хонадонларини ва шу жаби шахсий мулкларини ўзлари хоҳлаган пайтда сотишлари, ҳадя қилишлари, шунингдек, хоҳлаган кишига, фарзандларига васият қилиб қолдириш ҳуқуқига эгадирлар.

# Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир...

## деҳқонни ҳам, харидорни ҳам алдаб пул орттиришни касб қилиб олганлар хусусида

**Бозорларимизда аҳвол қандай!**

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
«Adolat» мухбири.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби бозорлар фаолиятини тартибга солиш, уларда савдо-сотиқ учун қулай шарт-шароитлар яратиш, энг муҳими, маҳсулотларнинг аҳоли учун мақбул нархларда сотилишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2010 йил 26 апрелда имзоланган «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа шу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар ва имкониятларнинг барчаси, асосан, халқимиз, юртдошларимиз фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан таҳсинга лойиқ.

Азал-азалдан бозорлар нафақат савдо-сотиқ, муомала масканини, қолаверса, шу юртнинг иқтисодий ҳамда маънавий салоҳиятини белгиловчи марказ ва кўзгу бўлиб келган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, одил маъмурлар биринчи эътиборни бозорларни тўкин-сочин қилишга қаратишган ва мазкур жамоат жойида ҳалол савдони таъминлаш, кўзбўямачи ва қаллобликка йўл қўйиб юрт обрўсини тўкишга уринаётганларни жазолашни энг тўғри йўл, деб билишган. Ахир, «Бозорини кўр — юртини кўр», деган нақл ҳам бежизга эмас-да.

Фахр ва ифтихор билан айтишимиз мумкин-ки, бугун бозорларимиз пештахталарида қишин-ёзин кўзни қамаштирадиган ранго-ранг мева ва сабзавотлар, полиз ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сероблигидан дилимиз завққа тўлади. Айниқса, жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши, кўпгина мамлакатларда асосий кундалик маҳсулотлар тақчиллиги юзага келган сўнгги пайтларда ушбу маҳсулотларнинг бизда аҳолига мақбул, арзон нархларда сотилиши харидорлар қалбига кўтаринкилик бағишлаши баробарида мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирини юмшатишга, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга эришилаётганлигидан далолат.

Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўз шахсий манфаатини эл-юрт манфаатидан устун қўйиб, йил бўйи пешона тери тўкиб, ёмғиру дўлларда, саратоннинг жазирамаси демай умри далада — ҳалол меҳнатда ўтган бободеҳқоннинг йиллик меҳнатлари натижасини ерга уриб, арзон-гаровга сотиб олиб, сўнгра харидорларга қиммат нархларда пуллашга уринаётган сохта «тадбиркорлар» ҳам бор-ки, бу ўз навбатида бозорда нарх-навонинг сунъий равишда ошишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бундай ҳолатларга қарши курашмасликнинг иложи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида деҳқон бозорларида ўтказилган солиқ текширувлари вақтида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш, импорт қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан қонунга хилоф равишда савдо қилиш, шунингдек, деҳқон бозорлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари бўйича жами 416 та далолатномалар расмийлаштирилиб, 209870,0 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, 2011 йил давомида давлат солиқ хизмати органлари томонидан 6 та деҳқон бозори маъмурияти, 3 та савдо-харид корхоналари ва 2 та ҳолатда фуқароларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Мисолларга мурожаат этсак: Жиззах вилояти, Пахтакор тумани «Деҳқон бозори» МЧЖда ўтказилган қисқа муддатли текширишда, бозор мансабдор шахслар томонидан жамият мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилингани ва ижара пули ундирилмасдан давлат ва жамият манфаатларига йирик миқдорда зарар етказилгани аниқланди. Натижада, ушбу «Деҳқон бозори» МЧЖ раҳбари Г.Джултаев ҳамда бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, терговь ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу каби ҳолатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани «Тўрткўл Эл-ризқи бозори» МЧЖда ҳам аниқланиб, давлат ва жамият манфаатларига 48525,6 минг сўм миқдорида зарар етказилгани учун жамиятнинг манфаатдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Фуқаро М.Ҳусанова ҳам сохта тадбиркорликни ҳавас қилганлардан экан. У Тошкент шаҳридаги «Қўйлиқ деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш ва қайта сотиш фаолияти билан шуғулланиш мақсадида турмуш ўртоғи Б.Ҳусанов ва Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Номданак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Мансуров билан ўзаро жиноий тил бириктириб, қалбакилаштирилган маълумотлар асосида фаолият кўрсатиб келаётганлиги фош бўлди. Ушбу ҳолат бўйича уларга нисбатан тегишли жиноят иши қўзғатилиб, ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



Ўтган февраль ойида деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг сунъий тарзда ошиб кетиши ва бундай маҳсулотлар билан ноқонуний савдо қилиниши олдини олиш юзасидан олиб борилган текширувлар натижасида 362 та ҳолатда 177124,0 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва 360 нафар ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомалари расмийлаштирилди. Жумладан, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ходимлари томонидан жорий йил 26 февраль куни Хўжайли тумани «Хўжайли деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудидаги сабзавотлар растасида текшириш ўтказилганда, фуқаро Мурат Ерханов тегишли гувоҳномасиз ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўзига тегишли ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи маълумотларсиз савдо қилаётганлиги аниқланди. «Тадбиркор»дан 1 турдаги, умумий қиймати 1819,5 минг сўмлик 2080,0 килограмм пиёз вақтинча олиб қўйилди.

Наманган вилояти, Уйчи туман «Деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудида фуқаро Шоира Ахунова картошкани вилоятнинг бошқа туманларидан харид қилиб, 100-150 сўм устама қўйиб қайта сотиш билан шуғулланаётганлиги фош бўлиб, умумий қиймати 1459,8 минг сўмлик 1622 килограмм картошка маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Яна бир сохта тадбиркор фуқаро Фотима Шодиева ҳам 1 турдаги 3968 кг, умумий қиймати 7142,4 минг сўмлик хорижда етиштирилган олма маҳсулотлари билан қонунга хилоф равишда Бекобод шаҳар «Деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудида савдо қилаётганлиги фош этилди. Худди шундай Фарғона шаҳар «Марказий деҳқон бозори» ОАЖда фуқаро Иминяминжон Мамажонов ҳам 3 турдаги, умумий қиймати 1350,0 минг сўмлик 275 килограмм помидор ва бодринг маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилаётганлиги ойдин бўлди. Мазкур тадбирлар бозорларимизда ҳалол савдо-сотиқни йўлга қўйиш ва нарх-навонинг кескин кўтарилишини олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шунга ўхшаш ноқонуний олиб-сотарликнинг олдини олиш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари томонидан текширув тадбирлари давом эттирилмоқда.

Фурсати келганда айтиш жоиз, юқоридаги каби ҳолатларга қарши курашишга нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари мутасаддилари, балки бозор маъмурияти раҳбарлари, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшса фойдадан ҳоли бўлмас. «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» сохта тадбиркорларнинг меҳнаткаш деҳқоннинг заҳматини бекадр қилишига йўл бермаслик — бугунги кунимиз талабидир.

# Тадбиркорлик — такомиллик талаби

**Нуқтаи назар**

**Ҳаким ЭШИМОВ,**
"Найман-ЭХ" хусусий фирмаси раҳбари, тадбиркор.





Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаси барчамизни бир оз ортга назар ташлашга, босиб ўтган йўлимиз, қўлга киритган натижаларимизнинг омиллари ҳақида фикр, мушоҳада юритишга ундади. Мен ҳам бир тадбиркор сифатида фирмамизнинг кечаги кунини таҳлил қилиб, эртанги истиқболини чамалаб кўрдим.

Ёдимда илк бор мустақиллик шарофати билан мулкдор бўлиш, мулкни бошқариш имкониятим борлигини англаб етган чоғим олдимда талай муаммолар, ечимсиз саволлар кўндаланг бўлганди. Ўша пайтдаги билимим, дунёқарашим теварагимда кечаётган янгиланиш жараёнларини тўла идрок қилишдан ожиз эди. Шунинг учун ҳам катта ишга қўл уришда бир оз муддат иккиланиб юрганим — рост. Шу асно кўнгил майлига узил-кесил нуқта қўйиш учун отамга маслаҳат солган эдим. У киши уруш сўқмоқларини кечиб ўтган, катта ҳаётий тажрибага эга инсон. Гарчи билим ва тажрибалари етарли бўлса ҳам ўтган тузум шароитида бисотини бойитишни ўйламай, фақиргина ҳаёт кечирганлар. Отам мени обдон тингладилар. Сўнг бир воқеани сўзлаб бердилар. Айтишларича болалик даврлари маҳаллаларида бир бой киши яшаган экан. Бир куни ўша киши тўй тадоригига тушибди. Узоқ-яқиндан таниш-билишларини тўйга таклиф қилибди. Шундан меҳмон келадиган кўчанинг ўнқир-чўнқир эканидан уялиб, йўлга тош ётқизибди. Ўзининг шаъни учун қўшни уйларни ҳам таъмирлатиб, оқлатибди. Бироқ тўйдан кейин қизиқ бир ҳолга дуч келибди. Маҳалладошлари орасида ҳурмати анча ошганини, одамлар уни дуо қилиб юрганини кузатибди. Қўшни маҳалла, қўшни қишлоқларнинг одамлари ҳам бошқаларга уни ибрат қилиб гапириб юрганининг гувоҳи бўлибди. Шу-шу бой тўй баҳона бошланган хайру саховат тадбирларини энди тез-тез қилиб туришни одат қилган экан.

Давлат ўз фуқаросининг мулкдор бўлишини истаётгани, мулкдорлар синфини вужудга келтириш учун барча шарт-шароитни яратиб бераётганининг сабабини мана шу мисолдан чақиб олишимни таъкидлаб, отам: "Тадбиркорлик дегани пулни пулга чақиб, уни кўпайтиришдангина иборат юмуш эмас. У кишининг такомилга етишувига ҳам хизмат қилади. Бинобарин сен мана шундай саволлар искажасида қолиб, уларга жавоб излаётган экансан, демак маърифатга яқинлашяпсан. Ҳар бир ота-онанинг тилагидаги иш бу, шу орзумизни амалга ошиши йўлида сиёсат юритаётган ҳукуматимизга раҳмат!" деб мамнун бўлдилар отам.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг асарларини, хусусан, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликда ташаббускорликни қўллаб-қувватлашга оид фармонлари билан чуқур танишдим. Соҳага оид, унга дахлдор барча адабиётлар билан танишишга тўғри келди. Маънавиятим янгидан-янги билимлар билан бойиб борди. Келажакка ишонч ҳисси уйғонди менда. Шу ишонч билан Қарши шаҳар, Шайхали қўрғонида "Найман — ЭХ" хусусий фирмасини очдим. Ҳақиқатан ҳам иш юритиш, меҳнатни ташкил қилиш ва самарадорликка эришиш тинмай ўқиб-ўрганишни талаб этар экан. Ўз ҳуқуқ ва манфаатларингни ҳимоя қилиш, мулкингни кенгайтириш, бисотингни бойитиш учун кунда минглаб муаммолар устида бош қотирар экансан. Бошқалардан ортда қолмаслик учун ўзгалар тажрибаси билан танишиш, илғорларнинг услубини ўзлаштиришга ҳаётнинг ўзи ундар экан.

Фирмамиз аста-секинлик билан оёққа турди. Ишчиларимизнинг малакаси, тажрибасини ошириш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифати, рақобатбардошлигини таъминлаш учун турдош корхоналарга сафарлар уюштириб тажриба ўргандик. Замонавий технологияларни жорий этиб, сифат ва самарадорликка эриша бошладик. Шунинг натижаси ўлароқ 2004 йилдан эътиборан тендер танловларида иштирок этиб, унда муваффақият қозониб, мактаблар учун парта, ёзув тахтаси, стол-стул, кийим ва китоб шкафлари, шунингдек, бошқа қатор мактаб мебеллари ишлаб чиқариб келмоқдамиз.

Дастлаб ишни 5 киши билан бошлаган бўлсак, ҳозир фирмамизда 16 киши меҳнат қиляпти. Манфаатларимиз қонун йўли билан давлат ҳимоясига олингани тадбиркорни янада юксак чўққилар сари парвоз қилишига ундамоқда. Хусусан, Президентимизнинг қўшма мажлисда: "Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айни шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур" деган сўзлари мамлакатимиздаги барча тадбиркорларни, жумладан, бизни ҳам руҳлантириб юборди. Ўзимизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Шу муносабат билан фаолиятимиз доирасини янада кенгайтириш мақсадида Хитойнинг Синьцзян халқаро савдо ярмаркасида иштирок этиб, ҳар хил пластик черепицалар ишлаб чиқарадиган янги технологияни олиб келдик. Давлатимиз раҳбарининг қарорига асосан пишиқ ғишт ишлаб чиқариш цехимизда электр энергиясини тежаш мақсадида айланма печ қурдик. Шуларнинг ҳисобидан бу йил 32 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Бу ҳам жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозига қарши чоралар давлат дастури мамлакатимизда нечоғли самарали кечаётганидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз биз учун қулайликлар яратиб бераётган шундай шароитда унга муносиб тарзда ҳаракат қилмоғимиз лозим. Башарти кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш тўғрисидаги Президентимиз таклифи соҳани янада ривожлантириш имконини беради. Бу қувонарли ҳол албатта, чунки соҳанинг ривожи барчамизнинг манфаатларимизга мос: зеро, у шахснинг камолига ва жамият такомилига хизмат қилишини биз ўз тажрибамизда кўрдик.

# Текширувлар қисқаруви

## шубҳасиз, тадбиркорлик тизими фаолияти такомилига ижобий таъсир кўрсатади

**Муносабат**

**Анвар НЕЪМАТОВ,**
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

Мамлакатимизда мулкчилик соҳасига, хусусан, хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, улар фаолиятини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш борасида мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилмоқда. Президентимиз илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи галда хусусий тадбиркорлик роли ҳамда улушини янада ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга доир янги қонунлар қабул қилиш, эскиларини янги таҳрирда бериш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш муҳим масалалардан бири эканлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Бу бежиз эмас. Бугунги кунга келиб, ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси йил сайин кўпайиб, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари тобора кенгаймоқда. Агар 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожини таъминлаётган мазкур соҳа улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. Бу, албатта, йил сайин солиқ юкининг пасайтирилиб борилиши ва изчил амалга оширилаётган ижтимоий моҳиятга эга сиёсат билан боғлиқ. Масалан, 2010 йилда микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг яққол исботидир. Шубҳа йўқки, "ўзбек модели"нинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш юзасидан пухта ишлаб чиқилган тадрижий тараққиёт дастурининг амалиётга босқичма-босқич ҳамда маромида татбиқ этилиши ушбу сектор ривожида катта аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили — деб эълон қилинган жорий йилимизнинг 4 апрелида давлатимиз раҳбари имзо чеккан яна бир қонуний ҳужжат — **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил**



**этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармон шубҳасиз, соҳа субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янаям кучайтиради.

Қолаверса, мазкур фармон тадбиркорлик соҳасида аниқ мақсадларга йўналтирилган ва босқичма-босқич амалга ошириладиган қонунчилик базасини такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилган Концепциямизнинг узвий давомига монанд муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Биз, бир гуруҳ бўлажак ҳуқуқшунослар — "Адолат" социал-демократик партияси тарафдорлари биргаликда фармонни диққат билан ўқиб чиқиб, давлат ва назорат органларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартиришга ҳамда текширувларни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлардан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига нечоғли катта аҳамият берилаётгани моҳиятини яна бир бор чуқурроқ ҳис этдик.

Ҳеч шубҳа йўқки, энди тадбиркор ўз фаолиятига ноқонуний аралашаётган мансабдор шахсдан ҳайиқмайди, солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонунда кўзда тутилганидек максимал муддатларда ўтказилишини дадил, дангал талаб қила олади. Айниқса, молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширувларни ўтказиш чоғи унификациялаштирилган назорат солномаси ишлаб чиқилиб, уни мажбурий қўллаш татбиқ этилгач, барча тадбиркорлик субъектларида ўсиш суръатлари сўзсиз жадаллашади, рентабеллик даражаси ошади.

Фармонда яна бир жиҳат — текширишларни бошлаш, ўтказиш, хўжалик субъектлари фаолияти, уларнинг банк ҳисоб рақамлари операцияларини тўхтатиб қўйиш каби бошқа хил хатти-ҳаракатлар тўғрисида қонуний ваколати бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қарор қабул қилиш ҳолларига ғов қўйилди. Бу ҳам тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш йўлида кўрилаётган қатъий чора-тадбирлардан биридир.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — бугунги кунда иқтисодий барқарорлик кафолати, таянчи, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётганидан ва пировардида, уларга кўрсатилаётган бениҳоя катта ғамхўрлик, муносиб рағбат ва имтиёзлардан дарак берувчи ёрқин мисоллардир.

14 апрель куни пойтахтимиздаги «Intercontinental Tashkent» меҳмонхонасида анъанавий IV Тошкент халқаро Суғурта форуми иш бошлади. Форумдан кўзланган асосий мақсад суғурта ва қайта суғурта бизнесининг устувор вазифаларини муҳокама қилишдан иборат.

# Форум иш бошлади

**Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА,**
ЎзДЖТУ талабаси.

"SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги томонидан ташкил этилган мазкур форумда миллий ва 20 га яқин хорижий давлатларнинг суғурта, қайта суғурта компаниялари, брокерлик ташкилотлари топ-менежерлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий ва халқаро банклар ассоциациялари, лизинг, инвестицион ва аудиторлик компаниялари вакиллари ҳамда суғурта бозорини тартибга солувчиларнинг раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

Анжуман доирасида форум иштирокчилари Ўзбекистоннинг суғурта соҳасидаги кенг инвестицион салоҳияти билан танишадилар. Форум, шунингдек, суғуртага миллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга, чунончи, Республикамиз суғурта бозори ҳамда Марказий Осиё минтақасининг халқаро суғурта жамоатчилигига интеграциялашувига кўмаклашишга қаратилган.

Икки кун давом этадиган мазкур форумда суғурта соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари, суғуртани ривожлантириш асоси сифатида суғурта бозори инфраструктураси, халқаро суғурта бозорига интеграциялашувида қайта суғуртанинг роли, шахсий суғуртада оммавий суғурта маҳсулотларини ривожлантириш истиқболлари ва бошқа долзарб масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилган.

**ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!!!**

## Ўзбекистон "Адолат" СДП соврини учун "Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя" кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

*1.1.* Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи «Мадад» суғурта агентлиги ўртасида имзоланган "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш тўғрисидаги Келишув"га мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, "Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя" кўрик-танловини (матнда бундан буён "кўрик-танлов") ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

*1.2.* Кўрик-танлов ижтимоий бизнес-ғоялар, лойиҳалар сараланиши асосида амалга оширилади.

*1.3.* Ушбу кўрик-танлов очиқлик, шаффофлик, рақобат тамойиллари асосида ўтказилади.

### II. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

Кўрик-танловнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

— Коллеж ва олий ўқув юртларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш ва жойларда тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш жойларини ташкил қилиш;

— танловда ғолиб бўлганларни оталиққа олиш ва уларнинг бизнес юритиш амалиётига ёрдам бериш;

— ижтимоий бизнес-ғоялар ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий ташаббусларини фаоллаштириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жамият ижтимоий ривожланишида масъуллигини ошириш;

— партиянинг дастурида белгиланган вазифаларга ва замон талабига жавоб берадиган бизнес ва тадбиркорлик инфратузилмаларини яратиш мақсадида банк, лизинг, бошқа кредитлаш ташкилотлари хамда суғурта ташкилотлари имкониятларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида оммавий ахборот воситалари ёрдамида кенг тарғиб этиш ва фойдаланишда ёрдам бериш;

— суғуртада мавжуд механизмлардан фойдаланиб ёрдамга муҳтож бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш.

### III. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

*3.1.* Кўрик-танлов ташкилотчилари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи «Мадад» суғурта агентлиги.

*3.2.* Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон "Адолат"СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2011 йил 25 февраль кунидаги 13-сон мажлиси баённомасига асосан тасдиқланган Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

*3.3.* Кўрик-танловнинг вилоят босқичидаги тегишли ташкилий қўмиталари — вилоят партия Кенгашлари ва "Мадад" агентлиги вилоят филиаллари томонидан амалга оширилади.

*3.4.* Кўрик-танловнинг вилоят босқичидаги ташкилий қўмиталари жойлардаги партия Кенгашлари ва "Мадад" агентли филиаллари томонидан тасдиқланиб, республика босқичидаги ташкилий қўмитага ҳисобот беради.

*3.5.* Ташкилий қўмиталар таркибига жойлардаги партия Кенгаши раиси ва "Мадад" агентли филиаллари раҳбарлари, икки ташкилот фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари киради.

*3.6.* Кўрик-танлов шартлари, натижалари "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасида кенг ёритиб борилади.

### IV. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ ЙЎНАЛИШИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИ

*4.1.* Кўрик-танлов икки босқичда ўтказилади: вилоят босқичлари ва республика босқичи. Вилоят босқичи ғолиблари ўз навбатида республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

*4.2.* Кўрик-танлов бир асосий йўналишда ўтказилади:
"Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя"

*4.3.* Кўрик-танловда иштирок этиш учун иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги турли соҳалар, шу қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мурожаат этишлари мумкин.

*4.4.* Кўрик-танловнинг иштирокчилари: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, талабаларнинг ижодиёт уюшмалари ва бошқалар.

### V. КЎРИК-ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ

*5.1.* Ушбу Низом талабларига мувофиқ кўрик-танлов иштирокчилари фаолиятини баҳолашда объективлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида ҳудудий ташкилий қўмиталар ва "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок этадилар.

*5.2.* Жойлардаги ташкилий қўмиталар кўрик-танлов (5 киши иштирокида) ҳакамлар ҳайъатини тузадилар ва тасдиқлайдилар.

*5.3.* Вилоят босқичидаги кўрик-танлов 2011 йил 1 июнь санасигача ташкил этилади, республика босқичи 2011 йил 1 август санасигача ўтказилиши керак.

*5.4.* Республика босқичи кўрик-танлови ғолиблари мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида тақдирланадилар.

*5.5.* Кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ўз ғоя-лойиҳаларини тегишли вилоят партия Кенгашига тақдим қиладилар.

*5.6.* Ҳар бир вилоятдан энг яхши деб топилган 3 та бизнес лойиҳа Республика босқичи танловида иштирок этади.

### VI. КЎРИК-ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

*6.1.* Кўрик-танловда иштирок этишни билдирган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни ташкилий қўмитага тақдим қиладилар:

— бизнес-режа; кўргазмали материал ёки электрон нусхадаги материаллар, расмлар; иштирок этиши юзасидан расмий мурожаат. Барча ишлар "танловга" деган қайд билан белгиланиши лозим.

### VII. КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ

*7.1.* Кўрик-танловга тақдим этилган ижтимоий ғоя-лойиҳалар қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

— ижимоий йўналганлиги — 30 баллгача; долзарблиги, янгилиги — 20 балл; жойларда кенг татбиқ этилиши бўйича қулайлиги — 20 балл; кам сарф-харажатлиги — 20 балл; мустақил равишда қўллаш тажрибасини шакллантириш мумкинлиги — 10 балл; Жами — 100 балл.

*7.2.* **1-ўринга** сазовар бўлган бизнес-ғоя муаллифи фахрий ёрлиқ, сертификат ҳамда 300.000 сўм миқдорида пул мукофоти билан; **2-ўринга** сазовар бўлган бизнес-ғоя муаллифи фахрий ёрлиқ, сертификат ҳамда 200.000 сўм миқдорида пул мукофоти билан; **3-ўринга** сазовар бўлган бизнес-ғоя муаллифи фахрий ёрлиқ, сертификат ҳамда 100.000 сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Республика босқичига ўтган бизнес-ғоялар муаллифлари фахрий ёрлиқ ҳамда йил охиригача "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасига обуна билан тақдирланадилар.

### VIII. КЎРИК-ТАНЛОВНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

*8.1.* Амалдаги низомга мувофиқ ва раҳбарлар томонидан тасдиқланган кўрик-танловни ташкиллаштиришни молиялаштириш сметага мувофиқ амалга оширилади.

*8.2.* Кўрик-танловнинг вилоят босқичларини ташкиллаштириш ва ўтказишни молиялаштиришни Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг вилоят Кенгашлари (бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига) амалга оширади.

**Мурожаат учун:** ***Тел/факс:*** 245-70-27; 245-43-23.
***e-mail:*** matbuot@adolat.uz




# Қўли гулдир ўзбек аёлин...

Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида "Қўли гулдир ўзбек аёлининг..." кўргазма-савдоси давом этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ҳамда бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада юртимизда фаолият кўрсатаётган ҳунарманд хотин-қизлар томонидан тайёрланган миллий ҳунармандчилик буюмлари намойиш этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлаётир.

Мазкур Фармонга биноан, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, айниқса, чекка ҳудудларда аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан тадбиркор хотин-қизлар учун жорий йилнинг биринчи чорагида 7,9 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиб, шунинг ҳисобидан 5,7 мингдан кўпроқ янги иш ўрни ташкил этилди.

21 апрелга қадар давом этадиган мазкур кўргазмада иштирокчилар ўз маҳсулотларини намойиш этиш билан бирга, унинг савдосини йўлга қўйиш имконига ҳам эга. Мақсад — жойларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, уй меҳнати билан банд аёлларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали миллий анъана ва қадриятларимизни кенг тарғиб этишдан иборат.

**Суратда:** *кўргазмадан лавҳа.*

# Дийдордан бошланар шоҳ таом шодликлари

**Қадрият**

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Adolat» мухбири.

**АРАЗЛАРНИ АРИТГАН СУМАЛАК**

Баҳор келди, дегунча сумалак сайли билан боғлиқ хотиралар кўнгилни ўртаб юборади-да... Бир хонадонда сумалак пиширилса, бутун қишлоқ аҳли жамулжам бўларди. Айтилса-айтилмаса, "фалончининг уйида эртага сумалак", деб эшитган борки, керакли асбоб-анжомини қўлга олишиб, «чошга барака»лаб бемалол кириб келаверарди. Оиламизда икки ёши улуғ — бувим ва момом бўлганлиги боис, бу муқаддас таомни ҳар йили пишириш анъанага айланиб қолганди. "Савобдан бебаҳра қолмайлик, бизнинг ҳам қўлимиз тегсин", деб, икки кампир ҳам ишга шўнғиб кетарди. Ёш жувонларнинг ҳижолат тортиб қаршилик қилиши бефойда эди.

— Эҳ, болажонларим-а, — кўзига ёш олиб гапга тушиб кетарди момом. — Биз сумалакни қанчалар кутганимизни тасаввур ҳам қилолмайсизлар.., — энди чинакамига йиғлашга тушадилар. Бувим ҳам бунга қўшилгач, биргаликда ҳовурлари босилгунча тўйиб-тўйиб йиғлаб олардилар-да, сўнгра галма-галдан ҳикояларини бошлардилар.

— Собиқ тоталитар тузум даврида, хусусан, очарчилик, қимматчилик йиллари бошимизга не-не тошлар ёғмади, қандоқ кунларни кўрмадик. Бундай ёруғ кунларга етишимиз тушимизга ҳам кирмаган. Уруш одамларнинг ёстиғини ҳам, ризқини ҳам қуритганди. Рўзғорда бирорта туёқдан ном-нишон йўқ, ҳаммасини фронтга жўнатгандик. Қолгани қорин ғамида сотилиб кетганди. Уйида битта сигири борлар бадавлат саналарди, болаларининг оғзи сут-қатиқ кўриб турарди-да. Хуллас, очарчилик кучайгандан кучайиб, ейишга ҳеч вақо йўқ эди. Бир-икки сиқим буғдой ё қотган нон топсак, болаларимизга берардик, ўзимизга эмас! Шулар ўлмасин, шулар яшасин, дердик. Ўзимиз эса очликдан кечалари ухлолмай чиқардик. Тун ҳам бирам узоқ бўлардики, зўрға тонг оттирардик. Тағин саҳармардонлаб ёш боламизни опичлаб, далага ишлашга чиқиб кетардик. Ер чопаётиб, бирор дона буғдой, ё арпа, ё егулик нам илдиз чиқармикан, деб қушдек мўлтирардик. Қанча одамлар очликка чидолмай, яна қанчаси кунжара еб, шишиб ўлиб кетишди. Ўз туққан боласини иложсизликдан бир қоп буғдойга алмашиб ёки бойларнинг эшигига хизматкорликка берганлар ҳам бўлди, айланайлар. Айниқса, қишнинг ўтиши қийин эди. Ҳам совуқ, ҳам очлик. «Эй, художон, оч бўлсак ҳам, юпун бўлсак ҳам майли, фақат жонимизни соғомон қилсанг бўлди. Бу йилги баҳорни ҳам кўрайлик, "илик узилди"дан узилмай чиқайлик», деб зор-зор йиғлаб илтижо қилардик.

— Нимага айнан баҳорни? — сўрайди аёллардан бири.

— Аҳ, болам-а, — чуқур тин олиб гапни давом эттиради бувим ҳали ҳам ўтган кунлар азобида йиғлаётган опалари-(улар уруш туфайли ҳам эрлари, ҳам икки ўғилларидан жудо бўлганлар)га қараб қўйиб. — Сизлар учун баҳор оддий бир фасл холос, биз учун эса чинакам Янги йил, яна бир йил бўлса ҳам яшаб қолиш учун Аллоҳ ато этган бир имконият эди. Чунки Баҳор бизни роса сийларди-да. Янги чиққан майсами, бойчечак ё бинафша борми, чўккалаб пешонасидан ўпардик, йиғлаб-йиғлаб кўзимизга суртардик. Шу кунларга етказганига шукр, деб Яратганга ҳамду санолар айтардик. Кўча-кўйда бир-биримизни Йил боши билан табриклардик. Кейин ана шу кўкатлар — исмалоқ, ялпиз, йўнғичқа, момақаймоқларни мазза қилиб ғачир-ғучир чайнаб, қорнимизни тўйғазардик. Ёки оддий сувда қайнатиб тановул қилардик. Ана шунақа, болажонларим. Биламан, бу гаплар сизларга гўё эртакдек, қандай тановул қилишган экан, деб оғзиларингни мазаси қочаяпти. Лекин биз учун энг тансиқ таомлар эди улар...

— Хафа бўлманглар-у, ҳозир исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари учрайди, — ўзини тутиб олиб гапга қўшилади момом. — Дастурхонда ушатилган нон бўлса ҳам, сал қотибди, деб базъан бутунини синдирасиз. Овқатга масаллиқни ўлчамай солиб, сўнг ортган овқатни ахлатга ағдарадиганлар ҳам йўқ эмас. Тўйларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Ёру-биродарлар қолиб, аллақайси меҳмонларни алоҳида таклиф қилиб, бир эмас, уч-тўрт хил тансиқ таом улашасиз. Яқинларингизни тириклигида қадрламасангиз эрта-индин бу дунёдан ўтиб кетишгач, доддвой қилсангиз ҳам кеч бўлади, кеч...

**ДИЙДОР САЙЛИ**

Гиналар узоқ чўзилишини билиб бувим силлиқлашга тушади:

— Шунча гапни гапирибмиз-у, сумалак ҳақидагиси қолиб кетибди. Ёзда хирмон кўтарган кунимизоқ бир коса буғдойни кўрмадикка олиб, кўзага солиб бирор қуруқ жойга яшириб қўярдик, баҳорга эсон-омон етсак, сумалак пиширамиз, деб. Ейишга ҳеч вақомиз қолмаганда ҳам унга тегмасдик. Сумалакка етган, уни тайёрлашга қўли теккан энг бахтли инсон саналарди. Сумалак сайли — **дийдор сайли,** аслида.

— Ҳой, келин, ҳаммани айтдингми сумалакка? — тўсатдан момом сергак тортади. — Ҳеч ким қолиб кетмасин, тағин. Бу кунда бировни оқ, бировни қора деб ажратиб бўлмайди. Чунки бугун осмондан фариштала тушиб, бизни томоша қилиб, ҳар биримизга савоблар ёзади. Камида етти қўшни айтилиши керак. Ҳатто касал ётганни ҳам йўқлаб, "Наврўз муборак, баҳорни кўрдингизми, демак, тузалиб кетиб узоқ яшайсиз энди", дея кўнглини олиш керак. Бу таом беморга ҳеч қандай дори-укол беролмайдиган давони, дармонни беради. Илгарилари юз кўрмас кундошлар ҳам сумалак сайлига бир-бирини таклиф қилишган.

Хуллас, сумалак масаллиқлари дошқозонга солинар маҳал ҳовлимиз янаям гавжум бўлиб кетарди. Бир томонда кўм-кўк ерга гиламча устига ёзилган дастурхон кўк сомса, кўк чучвара, устига кўкат майдалаб сепилган қайлали ош, яна ҳар ким илиниб олиб келган неъматлар билан тўла. Бир тарафда ош учун ҳозирлик кўриляпти. Икки кампир қонун-қоидаси бўйича қайта-қайта дуолар ўқиб, қозонга масаллиқни солади-да, жувонларга ул-булни ўргатиб кўрпачага чўккалайди. Кўк сомсаларни тағин кўзга суртиб, ўпишиб сўнг тановул қилишади. Биз ёш қизчалар бунинг маъносига тушунмай, "Бувижон, кўзингиз ёғ бўлди-ку", деб кулардик. Бунга жавобан: "Ёғ бўлса бўлсин, ёш бўлмасин", дейишарди. Сўнг ҳар йили сумалак сайлида айтиладиган хиргойи бошланарди...

Эрта саҳаргача ўйин-кулги, ҳангома авжига чиқарди. Бувим айтгандек, баҳонада бирбиридан хафалашганлар ярашиб олишарди. Ўтган гина-кудуратлар унутилар, қўшнилар эса опа-сингилдек қадрдон бўлиб қолишарди. Сумалакнинг хосияти, улуғлиги шу бўлса керак, деб ўйлайман. Бу таом кўп вакт, яъни камида ўн икки соат қайнашида ҳам бир ҳикмат яширин. Бир қозон атрофида шунча вакт бирга бўлиш бегона кишиларни ҳам яқинлаштиради, ахир.

Эрталаб табаррук момолар сузишни бошлаб бергач, аввал беморларнинг уйларига, сўнг келганларга тенг миқдорда улашиларди. Ҳақиқатан ҳам, сумалак пишириш аразлар унутиладиган, инсонлар қадрланадиган чинакам эзгулик сайлига айланиб кетарди.



Туркияда кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар ўртасида ўтказилган IV Бутунжаҳон ўйинларида ҳамюртларимиз муносиб иштирок этиб, 2012 йили Лондонда бўладиган XIV Паралимпия ўйинларига дзюдо ва енгил атлетика бўйича йўлланмалар олди.

# Лондонга йўлланма

**Паралимпия — 2012**

Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат.




Нуфузли мусобақа ғолиб ва совриндорларини Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон паралимпия ассоциацияси вакиллари, спорт жамоатчилиги, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.

2010 йилги спорт мавсуми паралимпиячиларимиз учун муваффақиятли бўлган эди. Аргентинада футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси 2007 йилда қўлга киритилган жаҳон чемпионлиги унвонини муносиб ҳимоя қилиб, кетма-кет иккинчи маротаба олтин медалга сазовор бўлди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган Параосиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медаль жамғарди.

Туркияда ўтказилган нуфузли мусобақа дастуридан жой олган дзюдо баҳсларида ҳамюртимиз Шариф Ҳалилов бронза медални қўлга киритиб, Лондондаги Паралимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Енгил атлетикачи Алишер Усмонов 400 ва 800 метрга югуриш баҳсларида Паралимпия йўлланмасини берувчи халқаро меъёрларни бажариб, бир йўла иккита йўлланмани қўлга киритган бўлса, Аброр Иброҳимов ва Дониёр Солиев уч ҳатлаб сакраш баҳсларида тўртинчи ўринни эгаллаб, Лондонга борадиган бўлди.

Шахмат бўйича шахсий беллашувларда ҳамюртимиз Қуролбой Жакашев бронза медални қўлга киритди. У яна бир тажрибали шахматчимиз Амирулло Абдуллаев билан бирга жамоавий баҳсларда ҳам учинчи ўринни эгаллади.

# Қиблагоҳ ота

**Хайрли амал**

Зайниддин НОРМАН.

«Ота» деган сўз бизда бениҳоя юксак мақомда туради. Чунки аждод, уруғ, қабила, оиланинг энг шоҳсупасида, қон-қардошлик шажарасининг бошида ота деган буюк тимсол гавдаланади. Ота ҳар биримизнинг умуртқа поғонамизда энг устки қисми — бош ҳисобланади.

Падари бузрукворимиз амалга оширган ишларни бирма-бир хаёлимиздан ўтказганимизда гоҳида сўзлар топишга ожизлик қиламиз. Ҳаётда отанинг ҳар бир айтганини ҳикмат сифатида қабул қилишга одатланганмиз. Фарзанднинг асосий вазифаси ота олдидаги қарздорликни узиш ҳисобланади. Аммо бирон-бир фарзанд бу ишнинг уддасидан чиқа олмаган. Чунки оталар бажарган хайрли амалларнинг адоғи йўқдир...

Бундан ўн йиллар олдин падари бузруквор ҳақида нимадир қоралашни хаёлимга келтиргандим. Гоҳида қўлимга қалам олиб ёзишни бошласам, хаёлимга ҳеч қандай фикр келмай, йўқолиб кетаверарди.

Отам бунёдкор уста бўлган. Халқимизда бундай касбдаги инсонларнинг пири бўлади дейишади. Ҳар куни кўз ўнгимдан у киши қурган фараҳбахш уйларнинг гўзал жамоли ўтади.

Умрбоқийлик асари бўлиб қолган кабза уйларни кўриб кўзим қувнайди. Уларнинг ҳар биридан олган мўъжизавий таассуротларим мени олам-олам завқу шавққа тўлдиради.

Одам боласи фоний дунёдан жисман йўқ бўлиши мумкин, лекин у қолдирган мерос, ёдгорлик, бунёд этган иморатлари, ижод намуналари ва хайрли ишлар абадий қолаверади.

Юртим Жизмонга борган пайтим ва бошқа қишлоғу шаҳарларни зиёрат қиларканман, ота-боболаримиз бунёд этган ва бугун ҳам Юртбошимиз бошчилигида қурилган ва қурилаётган муҳташам бино ва иморатларни, зиёратгоҳларни кўриб, ич-ичимдан фахр, севинч, ғурур туйғуларини ҳис этаман.

«Ота рози — худо рози» — деган сўзлар замирида олам-олам маъно, теран ва серқирра мазмуну моҳият мужассамдир. Айниқса, асрлар оша сайқалланган афсоналару нақлларда, мақоллар-у ҳикматларда халқимизнинг гўзал, буюк маънавияти, ўзига хос ва мос одобномаси ёрқин акс этади.

Халқимиз эзгу ишларга қўл урган инсонни «Отангга раҳмат, отасига раҳмат» дея олқишлайди. Бу олқиш ғоят сермаъно ибoрадир, зеро қобил фарзанднинг яхшилик, эзгулик каби тушунчаларни устувор кўришида, ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлишида отанинг, ота тарбиясининг аҳамияти ғоят улкандир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Тошкент тиббиёт академияси юқумли касалликлар ва педиатрия кафедраси профессори, партия фаоли, партия Аёллар кенгаши аъзоси
**Матлуба ШАРАПОВА** ва ўғли **Хумоюн ВАФОЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — ***236-57-14***; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***236-54-39***;

**Телефонлар:** қабулхона — ***236-53-14***; ***233-40-86*** (факс); котибият — ***233-41-89.***
**Навбатчи муҳаррир** — Қ. ҚЎЛДОШЕВ.
**Навбатчи** — Ғ. ХИДИРОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta @mail.ru

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақола белгиси.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—400. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6945. Босишга топшириш вақти — 21.45 Босишга топширилди — 23.30 1 2 3